

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 35-36-сон
ҚОНУНЧИЛИК (1003-1004)
ТЎПЛАМИ 2021 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

515. «Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ–6306-сон Фармони
516. «Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ–6307-сон Фармони
517. «Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 сентябрдаги ПФ–6309-сон Фармони
518. «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш

- тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сон Фармони
519. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6312-сон Фармони
520. «Қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5239-сон қарори
521. «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241-сон қарори
522. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги ПҚ-5242-сон қарори

Учинчи бўлим

523. «Олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 551-сон қарори
524. «Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 553-сон қарори
525. «Европа инвестиция банки иштирокида «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 554-сон қарори
526. «Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 555-сон қарори
527. «Ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 556-сон қарори

528. «Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарори
529. «Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан камраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарори
530. «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги 563-сон қарори

Бешинчи бўлим

531. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2021 йил 27 августдаги 01/11-14/11-сон «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153-1*)
532. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 августдаги 1-мх ва 23-мх-сон «Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатларнинг рўйхатини ҳамда хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3318*)
533. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 40ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотномалар бериш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 513-1*)
534. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон «Коррупцияга қарши

ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3319*)

535. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2021 йил 26 августдаги 01/11-22/09-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1708-3*)

536. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 2 сентябрдаги 16-тн-сон «Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битимни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2831-1*)

537. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 316-сон «Мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларининг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссия (ЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 897-3*)

538. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 317-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссия (МЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 898-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

515 Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республикамизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустақамлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6091-сон Фармони ва 2021 йил 13 июлдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-5184-сон қарорига асосан экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллион АҚШ доллари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 1 октябрдан бошлаб:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилиши;

охирги ўн икки ой давомида 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар олиб киришда божхона тўловларини тўлаш бўйича фониз ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўлов-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

ни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жарималар қўлланилиши, шунингдек, ушбу Фармон кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши 2021 йил 31 декабрга қадар тўхтатилади;

2021 йил 1 октябрдан юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хом ашё, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади;

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортolni молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар тақдим этиш тартибини тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

4. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) икки ҳафта муддатда:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортolni молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар тақдим этиш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Европа мамлакатларига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини компенсация қилиш тизимини бир йил муддатга жорий этсин;

сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хом ашёлар, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайдиган юқори сифат ва назорат тизимига эга давлатлар рўйхатини тасдиқласин.

5. Белгилансинки, тариқ (ТИФ ТН кодлари 1008 21 000 0, 1008 29 000 0), қурилган дуккакли экинлардан олинган ун ва кукун (ТИФ ТН коди 1106 10 000 0), мева ва ёнғоқлардан олинган ун ва кукун (ТИФ ТН коди 1106 30 900 0) экспорти учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси рухсати талаб қилинмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 сентябрь,
ПФ-6306-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги
ПФ-6306-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5286-сон Фармони 1-иловасининг рус тилидаги матнида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

3.	Зерно: пшеница, рожь, ячмень, овес, кукуруза, рис, гречиха	группа 10 (кроме 1008 21 000 0, 1008 29 000 0)
----	--	--

»;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

4.	Мука, крупа	1101 00 — 1106 (кроме 1106 10 000 0, 1106 30 900 0)
----	-------------	---

»;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6042-сон Фармонида:

а) 1-банддаги «Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг номидаги «Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Ташқи савдо, инвестиция-

лар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6091-сон Фармони 5-бандининг учинчи хатбошиси «1 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда» сўзларидан кейин «(йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион АҚШ долларигача эквивалентда)» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

516 Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмайди;

тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилинади.

2. Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил январь — июль ойларида эксперимент тариқасида Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, айланмадан олинadиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантириб берилиши тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, эксперимент доирасида:

а) солиқ органлари:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

юридик шахслардан олинадиган ер солиғини — Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида;

қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни — электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва солиқ ҳисоботини шакллантиради;

б) солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчилар учун белгиланган тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан камида 10 кун олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади;

в) солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини олган кундан бошлаб 5 кун ичида уни тасдиқлайди ёки, агар эътирозлари мавжуд бўлса, уни рад этган ҳолда, солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солиқ органларига тақдим этади.

4. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2022 йил 1 январга қадар солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ солиш объекти ёки солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектларни электрон ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш имкониятларини яратсин;

б) қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2021 йил 1 ноябрга қадар қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида, шунингдек, солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектлар бўйича маълумот тақдим этиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича таклифларни;

2022 йил 1 августга қадар эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда уни республиканинг барча ҳудудларидаги солиқ тўловчиларга татбиқ этиш ҳамда солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботи шакллантириладиган солиқлар рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифларни.

5. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 августгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 сентябрь,
ПФ-6307-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**517 Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида***

Талаба ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш ва илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишга ундаш, уларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, билимли ва иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси квотаси:

таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун икки баробарга оширилиб, тегишлича 10 та ва 22 та этиб;

бакалаврият босқичи талабалари учун эса ҳар бир олий таълим муассасасига 1 тадан этиб белгилансин;

б) Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари жорий этилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритувчи хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотлари бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам татбиқ этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларининг дастлабки босқичи олий таълим муассасаси томонидан ўтказилади ва танловнинг навбатдаги босқичига тавсия этиладиган талабгорлар тегишли олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида аниқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга муво-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

фик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ўтказилади;

қўшма таълим дастури асосида давлат олий таълим муассасасини, республикада фаолият юритувчи хорижий олий таълим ташкилотининг филиалини ёки нодавлат олий таълим ташкилотини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки номли давлат стипендияси соҳиби бўлган талабалар ҳам давлат олий таълим муассасаси магистратурасига бакалавриятнинг таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича кириш имтихонларисиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати ҳамда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ таълим соҳаларини инobatга олган ҳолда таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда бакалаврият босқичи талабалари учун номли давлат стипендияларининг танлов йўналишлари рўйхатини тасдиқласин;

ҳар йили бакалаврият босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари квоталари бўйича таклифларни олий таълим муассасалари кесимида Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиб борсин;

тизимида олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларининг дастлабки босқичи олий таълим муассасалари томонидан шаффоф, адолатли ва юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишли вазирлик ва идораларга ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»-ги ПФ-555-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М.М. Каримов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 сентябрь,
ПФ-6309-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 9 сентябрдаги
ПФ-6309-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил
5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини
рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-555-сон
Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётган ва бутун ўқиш даврида аъло баҳоларга ўқиган охирги ўқув йили талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси таъсис этилсин. Унинг сони магистратура мутахассисликлари бўйича жами 22 та, бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ҳар бир олий таълим муассасаси учун биттадан этиб белгилансин».

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари «аъло» (кўпи билан 25 фоизи «яхши») бўлган ҳамда ижодий ишда қатнашадиган бакалаврият таълим йўналишида ўқиётган охирги икки курс (кейинги ўринларда — юқори курс) талабалари учун қуйидаги номли давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника йўналишларида — Беруний, тиббиёт йўналишларида — Ибн Сино, гуманитар йўналишларда — Навоий, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида — Камолиддин Беҳзод, табиий йўналишларда — Улуғбек, кинематография йўналишида — Худойберган Девонов, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида — Имом ал-Бухорий, Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида — Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов, шунингдек, барча йўналишларда — Ислом Каримов номли.

Белгилансинки:

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Улуғбек номли давлат стипендиялари бакалаврият таълим йўналишлари бўйича юқори курсларнинг ҳар минг нафар талабасига биттадан;

Имом ал-Бухорий номли давлат стипендияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг уч нафар юқори курс талабасига;

Худойберган Девонов номли давлат стипендияси кинематография соҳаси учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Ислом Каримов номли давлат стипендияси ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига тайинланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

518 Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–6005-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришда илғор рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Давлат божхона қўмитасининг божхона органларининг умумий чекланган штатлар сони доирасида тоифадан ташқари мақомга эга бўлган «Масофавий электрон декларациялаш» божхона постларини:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат божхона қўмитасининг Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари бўйича бошқармаларида;

2022 йил 1 апрелдан бошлаб Давлат божхона қўмитасининг бошқа ҳудудий бошқармаларида босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб:

«Масофавий электрон декларациялаш» божхона постлари ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда — ТИФ) иштирокчилари томонидан тақдим этилган электрон божхона юк декларацияларининг масофавий божхона расмийлаштирувини амалга оширади;

«Масофавий электрон декларациялаш» божхона постлари ташкил этилган ҳудудлардаги ТИФ божхона постларининг фаолияти божхона назорати шакллари амалга оширишга ихтисослаштирилади;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

«Масофавий электрон декларациялаш», ТИФ ва чегара божхона постлари фаолиятини ташкил этиш тартиби Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади;

чегара божхона постларидаги инспекцион кўрик мажмуалари (рентген) билан ишлаш гуруҳлари ходимларига зарарли меҳнат шароитлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан лавозим маошининг 40 фоизи миқдориди ҳар ойлик устама берилади;

б) 2021 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида:

ветеринария ва фитосанитария органларининг товарларга тегишли ҳужжатларни текшириш ва расмийлаштириш вазифалари «Ягона дарча» божхона ахборот тизими ёки унга интеграциялашган ахборот тизимлари орқали амалга оширилади;

ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан товар-транспорт ҳужжатларига муҳр босиш ва уларни рўйхатга олиш амалиёти бекор қилинади;

тўланадиган барча йиғимларни транспорт воситалари чегара пунктига киргунга қадар ягона ҳисобварақ асосида олдиндан тўлаш амалиёти жорий этилади;

в) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини божхона органлари томонидан қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг ушбу маблағлар ТИФ иштирокчисига уч иш куни давомида қайтарилади;

божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг энг кам муддати 14 кун этиб белгиланади ва ушбу муддатда фоизлар ундирилмайди, бунда кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг энг кам муддатидан ортганда тўлиқ давр учун фоизлар ҳисобланади;

қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг ундирилмайдиган ва қайтарилмайдиган миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизигача этиб белгиланади;

товарларнинг ТИФ товарлар номенклатураси бўйича кодини аниқлаш юзасидан божхона органи томонидан тайинланган экспертиза яқунлангунга қадар товарларни божхона тўловлари тўланишини таъминлаш орқали шартли чиқариб юбориш амалиёти жорий этилади;

ТИФ иштирокчисининг бир нечта божхона операциялари доирасидаги мажбуриятларини таъминлаш учун ягона таъминот тақдим этиш имконияти яратилади, бундай таъминот божхона тўловлари бўйича барча мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлиши лозим;

божхона органлари товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш учун ТИФ қатнашчисининг аризасига асосан дастлабки қарорни қабул қилади.

3. Давлат божхона қўмитасининг божхона органларининг умумий чекланган штатлар сони доирасида Давлат божхона қўмитаси тизимида алоҳида юридик шахс мақомига эга Марказий божхона лабораториясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давлат божхона қўмитаси (М.Б. Азимов) икки ой муддатда Марказий божхона лабораторияси фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан Жаҳон божхона ташкилотининг «Минтақавий божхона лабораторияси» мақомини олиш, у томонидан никотин сақловчи маҳсулотлар ва спиртли ичимликлар таркибини аниқлаш, товарларни экспертизадан ўтказиш ва сертификациялаш билан боғлиқ бўлган бошқа хизматларни кўрсатиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа турдаги криминалистик суд экспертизаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, мазкур Фармон билан божхона органларининг ташкилий тузилмаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан «Масофавий электрон декларациялаш» божхона постлари фаолиятини ташкил этишда ходимларнинг иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар 2022 йил 1 январга қадар Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Давлат божхона қўмитасининг фаолияти тугатилаётган божхона постлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Давлат божхона қўмитаси:

а) бир ой муддатда «Масофавий электрон декларациялаш», ТИФ ва чегара божхона постлари фаолиятини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларидаги назорат органларига ягона ҳисобварақ асосида тўланадиган йиғимлар ҳамда кириш ва транзит йиғимларини транспорт воситалари чегара пунктига киргунга қадар олдиндан тўлаш тизимини жорий қилсин;

товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашда божхона органлари томонидан дастлабки қарор бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идора-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 сентябрь,
ПФ-6310-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги
ПФ-6310-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5414-сон Фармонида:

а) 5-бандда:

«а» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Божхона маъмуриятчилигининг илғор ва инновацион усулларини жорий этиш» сўзлари «Рақамли божхонани ривожлантириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) Даромадлар ва божхона статистикаси бош бошқармаси, унинг қўшимча вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосини ривожлантириш тенденциялари, шунингдек, мамлакатнинг савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

товарларнинг ташқи савдоси бўйича божхона статистикасини юритиш, уни шакллантиришнинг барча босқичларида ҳаққонийликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ташқи савдо соҳасида статистик маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш мақсадида хорижий давлатларнинг божхона хизматлари билан ахборот алмашиш»;

б) илованинг 30-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон Фармонида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг логистика учун қулай чегара ўтказиш пунктларида хўжалик субъектларини жалб этган ҳолда божхона терминалларини қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин»;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимовга — «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин»;

в) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда (шу жумладан, пенсияни ҳисоблашда) тариф коэффициентлари 1,7 карра миқдорда қўлланилади»;

тўртинчи хатбошидаги «Махсус жамғарма» сўзлари «Давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «50» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

г) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармони 6-банди «б» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармаси Ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси этиб қайта ташкил этилсин ва унга» сўзлари «Божхона назорати ва расмийлаштирувини ташкил этиш бош бошқармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги «Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1595-сон Фармони рус тилидаги матнининг 2-банди учинчи хатбошиси «всех видов транспортных средств» сўзларидан кейин «, а также таможенные посты дистанционного электронного декларирования» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3665-сон қарорида:

а) 1-банд:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Масофавий электрон декларациялаш божхона постларининг намунавий тузилмаси 5а-иловага»;

еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-банддаги «260» рақами «266» рақами билан алмаштирилсин;

в) 1 — 5-иловалар* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

г) қуйидаги мазмундаги 5а-илова* билан тўлдирилсин:

д) 6-7-иловалар* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

е) 9-иловада:

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Хизматга кириш истагини билдирган шахс (кейинги ўринларда — номзод) ўзининг доимий яшаш манзили бўйича рўйхатга олинган жойидаги божхона органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

хизматга қабул қилиш тўғрисида ариза;

анкета-маълумот;

ўқиш, иш (номзод ўқиса ёки ишласа) жойидан тавсифнома ҳамда маълумотнома;

ҳарбий гувоҳнома нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);

доимий яшаш манзили бўйича рўйхатга олинган манзилдаги соғлиқни сақлаш муассасасидан саломатлиги ҳолати тўғрисида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома (бўйи ўлчовини кўрсатган ҳолда).

Хизмат хусусиятидан келиб чиқиб, ҳамда айрим ҳужжатларга аниқлик киритиш мақсадида, номзод ёки мутасадди ташкилотлардан қўшимча ҳужжат ва маълумотлар олиниши мумкин»;

52-банднинг «ж» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг божхона органлари ихтиёрида бўлиши тартиби Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан белгиланади»;

76-банд:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Божхона органлари ходимларининг хизмат самарадорлигини яхшилаш мақсадида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат йилларини ўтаган, қўйи (катта инспектор, инспектор, кичик инспектор) лавозимларда хизмат қилаётган, бироқ иш кўрсаткичлари паст ва ўз устида ишламайдиган ходимларнинг ҳисоботларини тинглаш, уларнинг келгуси йил учун иш режаларини тасдиқлаш, шунингдек, ҳар йил якуни бўйича навбатдан ташқари аттестациядан ўтказган ҳолда тизимда хизматни давом эттириш масаласи кўриб чиқилади»; иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

108-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«108. Хизмат йили, педагогик иш стажи, шунингдек илмий унвони ва даражаси мавжудлиги учун ходимларга устамалар тўланади.

Педагогик иш стажи, шунингдек илмий унвони ва даражаси мавжудлиги учун тўланадиган устама микдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади»;

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қўйидаги мазмундаги 108¹-банд билан тўлдирилсин:

«108¹. Хизмат йили учун устама божхона органи ходимининг, шу жумладан мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хизмат йилларига мувофиқ, ойлик лавозим ва махсус унвон маошларига нисбатан қўйидаги фоизларда белгиланади:

икки йилдан беш йилга қадар — 5 фоиз;

беш йилдан ўн йилга қадар — 10 фоиз;

ўн йилдан ўн беш йилга қадар — 15 фоиз;

ўн беш йилдан йигирма йилга қадар — 20 фоиз;

йигирма йилдан йигирма беш йилга қадар — 30 фоиз;

йигирма беш йилдан юқори — 40 фоиз.

Хизмат йили учун устама республика бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Хизмат йили учун устамани тўлаш мақсадида хизмат муддатини ҳисоблаш тартиби ДБК раиси томонидан белгиланади»;

109-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«109. Хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, юқори маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, шунингдек ўз фаолиятида юқори натижаларни кўрсатган ходимларга «учинчи тоифали мутахассис», «иккинчи тоифали мутахассис», «биринчи тоифали мутахассис», «уста» малака даражалари берилади.

Малака даражалари учун қўйидаги миқдорда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик қўшимча тўлов тўланади:

«учинчи тоифали мутахассис» — 15 фоиз;

«иккинчи тоифали мутахассис» — 20 фоиз;

«биринчи тоифали мутахассис» — 30 фоиз;

«уста» — 40 фоиз.

Малака даражаларини бериш тартиби ДБК раиси томонидан белгиланади»;

қўйидаги мазмундаги 118¹-банд билан тўлдирилсин:

«118¹. Божхона органлари ходимларини, шу жумладан мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларни Моддий рағбатлантириш махсус фонди лавозим ва унвон маоши, хизмат йили устамаси, туман коэффициенти, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа устама ва қўшимча тўловлар ҳамда икки ойлик лавозим маоши миқдоридagi мукофот ва бир ойлик лавозим маоши миқдоридagi моддий ёрдамнинг 15 фоиз миқдоридa шакллантирилади.

Божхона органлари ходимларига, шу жумладан мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларга Моддий рағбатлантириш махсус фондидан эгаллаб турган лавозими бўйича ва махсус унвони бўйича маошининг 15 фоизи миқдоридa ойлик устама тўланади.

Ўз вазифаларини ташаббускорлик билан ва виждонан бажариб келаёт-

ган божхона органлари ходимлари, шу жумладан мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларни рағбатлантириш мақсадида уларга фаолияти давомида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун Моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан тўлаб берилаётган ҳар ойлик 15 фоизлик устамаларни инобатга олган ҳолда эгаллаб турган лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида қўшимча шахсий устамалар белгиланиши мумкин. Шахсий устама бериш тартиби ДБК раиси томонидан белгиланади.

Божхона органлари ходимига, шу жумладан мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган бўлса, ДБК раиси ёки ДБКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси, БИ бошлиқлари ва Миллий кинология маркази директори ўз ваколатлари доирасида ушбу устамаларни буйруқ асосида бекор қилиш ёки камайтириш ҳуқуқига эга ва бу уларнинг мажбурияти ҳисобланмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа устама ва қўшимча тўловларнинг тўланиши, ходимларга ҳар ойлик 15 фоизли устама ва Моддий рағбатлантириш махсус фондидан шахсий устамаларни тўлашни бекор қилмайди»;

қуйидаги мазмундаги 118²-банд билан тўлдирилсин:

«118². Моддий рағбатлантириш махсус фондининг тежаб қолинган маблағлари ҳисобидан божхона органлари ходимларига, шу жумладан мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳисобот давридаги ишларнинг якуни, юбилей ва байрамлар муносабати билан мукофотлар тўланади. Мукофот миқдори уларнинг умумий иш натижаларига қўшган ҳиссаларига мувофиқ белгиланади ва юқори миқдорлари билан чекланмайди»;

қуйидаги мазмундаги 118³-банд билан тўлдирилсин:

«118³. Моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан устамалар ва мукофотлар тўлаш мос равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

140-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки ажрими ёхуд ДБК раисининг буйруғи асосида хизматга тикланган шахс мазкур буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида ички ишлар органлари ҳарбий-тиббий комиссияларида йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтади»;

144-банднинг биринчи хатбошиси «шу жумладан кадрлар захирасида бўлган» сўзларидан кейин «ёки Божхона институти докторантурасида ўқиётган» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3995-сон қарорида:

а) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Институтда олий таълимдан кейинги таълим асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланади»;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Институтнинг офицерлар ва сержантлар таркибига, курсантларига, шунингдек, докторантларига (докторантларнинг охириги эгаллаб турган лавозими сақланган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимларининг тегишли тоифалари учун кўзда тутилган пул таъминоти, имтиёзлар, буюмлар ва озик-овқат таъминоти ҳамда бошқа зарур нормалар, шунингдек, хизматни ўташ тартиби татбиқ этилади»;

б) 10-банддаги «Махсус жамғарма» сўзлари «Давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

г) 2-илованинг «Мутахассислик шифри» графасида:

бакалаврият бўлимининг 1 ва 2-позицияларидаги «5230500» ҳамда «5240100» рақамлари тегишинча «60410300» ва «60420100» рақамлари билан алмаштирилсин;

магистратура бўлимининг 1 ва 2-позицияларидаги «5A230501» ҳамда «5A240109» рақамлари тегишинча «70410301» ва «70420107» рақамлари билан алмаштирилсин;

д) 3-илова қуйидаги мазмундаги 12¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

12 ¹ .	Институтда олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил 1 декабрь	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	ДБҚ (М. Азимов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (А. Иброҳимов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
-------------------	--	--------------------	----------------------------------	---

».

Изоҳ. Мазкур иловада:

2-банднинг «в» кичик банди ва 5-банд «е» кичик бандининг иккинчи хатбошиси ҳамда 6-банднинг «б» кичик банди 2022 йил 1 январдан бошлаб қучга киради;

5-банд «е» кичик бандининг йигирманчи — йигирма еттинчи ҳамда қирқ олтинчи хатбошиларида назарда тутилган харажатлар 2022 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**519 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (кейинги ўринларда — Омбудсман) институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада ошириш, Омбудсман фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини ва ҳудудлардаги иштирокини кенгайтириш, Омбудсман фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида:

1. Омбудсманнинг қуйидаги йўналишлардаги фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашдаги энг устувор вазифа этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишда иштирок этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатларини, шу жумладан уларнинг бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш орқали таъминлаш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳамда бошқа ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомаланинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш;

аҳоли орасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва миллий қонунчилик нормаларини тарғиб қилиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Олий Мажлис палаталарининг Омбудсманнинг жойларда доимий асосда ишловчи минтақавий вакиллари лавозимларини жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш учун 2022 йил 1 январдан Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 14 та штат бирлиги ажратилсин.

3. Қўйидагилар Омбудсман минтақавий вакилларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш;

фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмаклашиш;

ўз ташаббуси билан ёки мурожаат муаллифининг илтимосига кўра, мурожаатни экспертлар, мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар вакилларининг иштирокида кўриб чиқишни ташкил қилиш;

ушлаб турилган, камоққа олинган, маъмурий жазо ўтаётган ва озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ахборот-маърифий ишларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда амалга ошириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Омбудсманнинг минтақавий вакиллари:

ўзларининг фаолиятида бевосита Омбудсманга ҳисобдордир;

худудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши ахvoli бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳар йили маъруза тақдим қилади;

худудларда жойлашган давлат органлари ва ташкилотларига монеликсиз киради ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан зудлик билан қабул қилинади;

б) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Омбудсман минтақавий вакиллари фаолиятига кўмаклашади.

5. Омбудсманга манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда янги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин ва унда қўйидагилар назарда тутилсин:

Омбудсман ўз олдида турган вазифаларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун қўшимча кафолатлар ҳамда унинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини ишончли ҳимоя қилиш чоралари;

давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга тизимли равишда ахборот тақдим этиш тартиби;

Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим қилиш ҳуқуқи;

Омбудсманнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи;

Омбудсман лавозимига олий маълумотли, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида зарур тажрибага ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, сайланиш куни 30 ёшдан кичик бўлмаган ва бевосита сайловгача камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкинлигини белгилловчи қоида;

айни бир шахснинг икки мартадан ортиқ Омбудсман этиб сайланишига йўл қўйилмаслиги;

Омбудсман ва унинг ўринбосарининг ўз ваколат муддати даврида дахлсизлиги бўйича қўшимча кафолатлар;

Омбудсманнинг доимий асосда ишловчи минтақавий вакили мақоми;

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида, шу жумладан Олий суд Пленуми мажлисларида Омбудсманнинг иштирок этиш ҳуқуқи;

жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналари ҳудудида «Омбудсман кутиси»ни сақлашнинг ҳуқуқий механизмлари, унда эркинликдан маҳрум этилган шахслар томонидан мурожаатлар жойлаштириш тартиби;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва ҳимоя қилиниши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва механизми.

6. Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда ахборот-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида Омбудсманга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда лойиҳа қиймати ва тегишли ишларни молиялаштириш манбаларини акс эттирган ҳолда, мутасадди вазирлик ва идораларнинг

ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси билан интеграциялашган, Омбудсман ва унинг минтақавий вакилларига келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши ва тизимлаштирилган ҳолда кўриб чиқилиши устидан назорат қилишни таъминловчи Ягона ахборот тизими яратиш, кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш бўйича техник ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда ваколатли органлардан экспертизадан ўтказилишини, зарур маблағлар ажратилгандан сўнг тўрт ой муддатда ушбу тизимнинг ишга туширилишини таъминлаш;

Омбудсман Котибиятининг минтақавий вакиллар, Олий Мажлис палаталари, давлат бошқаруви органлари билан ахборот-коммуникация ва видеоконференцалоқа орқали боғланишини таъминлаш;

Омбудсманнинг Котибиятида электрон ҳужжат айланиш тизимини яратиш ва уни ишга тушириш, ушбу тизимни вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаси билан интеграция қилиш, шунингдек, Омбудсман расмий веб-сайтининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Омбудсманнинг Котибиятини зарур алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминлаш ва кенг полосали Интернет тармоғига ўрнатилган тартибда улаш тавсия этилсин.

Бунда, ахборот тизимларини яратиш, техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг функционал имкониятларини мунтазам такомиллаштириб бориш билан боғлиқ барча харажатлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан Омбудсманга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Омбудсманнинг Котибиятига ҳудудларга «мониторинг ташрифлари»ни ташкил этиш учун 1 та енгил автотранспорт воситаси ва 1 та микроавтобус ажратилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари минтақавий вакилни вилоят марказларида жойлашган давлат органларининг биноларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш, шунингдек, уни зарур мебель, алоқа ва техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 сентябрь,
ПФ-6312-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**520 Курилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини чуқурлаштириш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна оҳактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини икки баравар камайтирган ҳолда 22 500 сўм миқдорда белгилаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
ПҚ-5239-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**521 Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, олий таълим муассасалари ҳузуридаги техникумларни ўз йўналишлари бўйича турдош олий таълим ҳамда тармоқ ташкилотларига бириктириш, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасалари ҳузурида 24 та техникум 1-иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

Белгилансинки, негизда техникумлар ташкил этилаётган таълим муассасаларида бугунги кунда таҳсил олаётган ўқувчилар тегишли касблар ва мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнини амалдаги дастурларга мувофиқ ушбу техникумларда яқунлайди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва тизимида техникумлар бўлган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар ҳудудларга чиққан ҳолда, ташкил қилинаётган техникумларнинг жойлашуви, ўқув биноларининг қувватлари, ўқув аудиторияларининг ҳолати, адабиётлар, замонавий асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражасини ўргансин ҳамда белгиланган меъёрларда уларни тўлиқ шакллантириш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) икки ҳафта муддатда ташкил қилинаётган техникумларга ўқишга қабул қилиш бўйича қабул параметрларини тасдиқласин;

б) турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий йўналишлари бўйича тармоқ ташкилотларига 213 та техникум 2-иловага** мувофиқ бириктирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида техникумлар бўлган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

техникум битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича тармоқ ташкилотларида зарур шарт-шароитлар яратилиши устидан назорат ўрнатсин ва амалиёт ўташ графикларини ишлаб чиқиб, тасдиқла-нишини таъминласин;

хар йили 1 майга қадар техникум битирувчиларининг бандлигини таъ-минлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этсин ҳамда улар ижроси бўйича назорат тизимини яратсин;

хар йили июль-август ойларида техникум битирувчилари учун хар бир туман ва шаҳарда иш берувчиларни жалб қилган ҳолда ярмаркалар, шу жумладан «Карьера куни» тадбирларини ўтказсин, ўқув йили давомида ишлаб чиқариш ташкилотларида тасдиқланган режа-графиклар асосида «Очиқ эшиклар куни»ни ташкил қилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Қорақалпоғистон Республи-каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда тизимида техникумлар бўлган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари-нинг таклифлари асосида мазкур қарорнинг 2-илоvasида келтирилган олий таълим муассасалари ҳамда тармоқ ташкилотларига бириктирилган техни-кумлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида техникумлар бўлган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда хар йили 1 декабрга қадар техникум ўқувчилари амалиёт ўтказадиган ташкилотлар, улардаги иш ўринлари ва яратилган шарт-шароитлар бўйича маълумотлар базасини шакллантиришни йўлга қўйсин;

в) техникумлар бир олий таълим муассасаси тизимидан бошқа олий таълим муассасаси тизимига 3-иловага* мувофиқ ўтказилсин;

г) Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Жиззах хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми фаолияти тугатилсин ва унинг барча мол-мулки, бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Жиззах ахборот техно-логиялари техникумига ўтказилсин. Бунда:

Жиззах вилояти, Фориш тумани, Файзобод кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Жиззах ахборот технологиялари техникумига тегишли бино ва иншоотлар, ҳудуди билан биргаликда Жиззах давлат педагогика институтига қўп тар-моқли ўқув маркази ва амалиёт полигонини ташкил этиш учун берилади;

Жиззах хизмат кўрсатиш ва сервис техникумида таҳсил олаётган ўқув-чилар амалдаги таълим дастурлари асосида Жиззах ахборот технологияла-ри техникумида ўқишни белгиланган тартибда тугатади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб техникумлар ва академик лицейлар-да малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий хужжатлар таянч олий таълим муассасалари томонидан тажрибали профессор-ўқитув-чилар ва тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган техникумларни ўқув-методик ҳужжатлар (ўқитиш материаллари тўпламлари, дидактик материаллар, практикумлар, технологик хариталар, электрон ресурслар, хорижий ўқув, илмий ва бадий адабиётлар, даврий нашрлар, луғатлар, энциклопедиялар, ахборотномалар ҳамда бошқалар) билан таъминлайди;

олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган техникумларда таълим сифатини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда бунга техникум директори ва олий таълим муассасаси ректори (директори) шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасалари ўзига бириктирилган техникумлар педагог кадрлари учун ўз бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий профессорлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда қисқа муддатли ўқув-семинарларни ташкил этади;

техникум директори бир вақтнинг ўзида тегишли олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши аъзоси ҳисобланади;

техникумлар тегишли олий таълим муассасалари билан биргаликда техникум ҳамда хорижий давлатлардаги таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш орқали техникумларда кўшма дастурлар асосида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашни ташкил этади;

техникумларда халқаро стандартлар (шу жумладан, Worldskills) асосида ўқув-устахоналарини ташкил этиш ва ўқувчиларни мазкур стандартларга мувофиқ тайёрлаш ҳамда келгусида ишчи касблар мусобақаларида уларнинг иштирок этишини таъминлаш тегишли олий таълим муассасаларининг бевосита кўмаги асосида амалга оширилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) тизимида техникумлар бўлган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган вазифалар ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли олий таълим муассасалари ҳамда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига тақдимномаларни киритиб борсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов) икки ой муддатда қуйидаги масалаларни пухта ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб техникумларга қабул параметрларини шакллантиришда меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларига бўлган реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари каби соҳаларда ўрта бўғин кадрларини тайёрлашнинг давлат буюртмасини асосланган ҳисоб-китобларга кўра босқичма-босқич кўпайтириш;

техникумлар ва коллежларни ўқув адабиётлари, гуруҳ журналлари ва бошқа давлат намунасидаги ҳужжатлар билан таъминлашни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига ўқишга

кирмаган умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида уларни техникумлар ва коллежларда биринчи касб ёки мутахассисликлар бўйича бепул ўқитиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб техникумлар ва коллежлар молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида маъмурий бошқарув ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда коммунал хизматлар билан боғлиқ бўлган харажатларни, шу жумладан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.

4. Ҳузурида техникумлар ва академик лицейлар бўлган олий таълим муассасалари ҳар йили 1 декабрга қадар таълимнинг кейинги босқичини давом эттирмаётган техникум ва академик лицей битирувчилари рўйхатини уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларига тақдим қилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар йили 1 февралга қадар республикада энг кўп талаб этиладиган ўрта бўғин кадрлари ишлаши мумкин бўлган касблар ва лавозимлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда ушбу касблар ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб борсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ҳ. Тошқулов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
ПҚ-5241-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**522** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида 2021 йил 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган Тожикистон-Ўзбекистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Қўйидагилар:

Тожикистон-Ўзбекистон инвестиция компанияси (кейинги ўринларда — Компания) 12 миллион АҚШ доллари миқдоридagi бошланғич устав капитали ҳамда инвестиция портфели шакланган сари уни 50 миллион АҚШ долларигача босқичма-босқич етказиш шарти билан масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил қилиниши;

ўрнатилган тартибда қўшимча иштирокчиларни жалб қилиш имконияти билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Компания устав капиталини шакллантиришдаги улуши 75 фоизни ҳамда Тожикистон Республикаси Инвестициялар ва давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Тажинвест» давлат унитар корхонасининг улуши 25 фоизни ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон томонига қўйидагилар тўғрисида тегишли билдиришномани йўлласин:

мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган белгиланганлиги;

Компания Кузатув кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Л.Ш. Қудратов ҳамда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А. Вафаевнинг номзодлари тақдим этилиши;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғар-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

маси ижрочи директори Ш.А. Вафаевга Компаниянинг уставини имзолаш ваколоти берилганлиги.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин унинг қоидалари амалга оширилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 сентябрь,
ПҚ-5242-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

523 Олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини бевосита Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида ўташни тизимли равишда ташкил этиш механизмини яратиш, шунингдек, халқаро муносабатлар соҳасида юқори малакали ва рақобатдош кадрларни тайёрлаш, уларнинг дунёқарабини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, ушбу қарор мақсадлари учун:

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари деганда — Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари;

халқаро муносабатлар деганда — «Сиёсатшунослик», «Халқаро муносабатлар», «Халқаро иқтисодиёт ва менежмент (минтақалар ва фаолият йўналишлари бўйича)», «Юриспруденция (халқаро ҳуқуқий фаолият)», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)» ҳамда «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)» бакалавриат таълим йўналишлари тушунилади.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида ташкил этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини (кейинги ўринларда — амалиёт) ташкил этишнинг босқичлари;

амалиётга юборилаётган номзодларга қўйиладиган талаблар, уларни саралаш тартиби;

амалиёт ўташ жараёни, талабаларни қабул қилувчи ташкилотларнинг вазифалари;

амалиёт ўташни молиялаштириш, талабаларнинг харажатларини қоплаш масалалари.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тахсил олаётган талабаларнинг амалиёти Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида шартнома асосида тизимли равишда ўтказилиши ҳамда амалиётнинг тегишли дастурларга мувофиқ ташкил қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари раҳбарлари талабаларнинг амалиёт давридаги фаолиятига шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин. Бунда улар:

амалиёт дастурига мувофиқ талабаларга зарур шарт-шароитлар яратади;
амалиёт натижасига кўра, Ташқи ишлар вазирлигига хулоса тақдим этилишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги миллий рейсларда хорижий давлатларга амалиёт ўташга юборилаётган талабалар учун Ташқи ишлар вазирлигининг буюртмаси асосида бориш ва қайтиш авиачипталарига йилига бир мартаба 20 фоизли чегирма берилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
551-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 31 августдаги 551-сон қарорига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар
соҳасида тахсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш
амалиётини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги
муассасаларида ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат олий таълим муассасалари бакалавриат босқичларида халқаро муносабатлар соҳасида тахсил олаётган, умумий ўзлаштириш кўрсаткичи юқори бўлган талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси-

нинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарида (кейинги ўринларда — хориждаги муассасалар) ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

амалиёт раҳбари — талабаларни амалиёт давомида техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш, амалий кўникма ва малакани шакллантиришга кўмаклашиш, амалиёт даврида талаба эгаллаган кўникмаларни баҳолашга масъул этиб белгиланган қабул қилувчи ташкилот ходими;

ишлаб чиқариш амалиёти (кейинги ўринларда — амалиёт) — талабаларда амалий кўникма ва малака ҳосил қилишни назарда тутувчи, назарий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда бевосита ишлаб чиқариш шароитида амалда қўллашга қаратилган таълим жараёни;

қабул қилувчи ташкилот — Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари;

халқаро муносабатлар — «Сиёсатшунослик», «Халқаро муносабатлар», «Халқаро иқтисодиёт ва менежмент (минтақалар ва фаолият йўналишлари бўйича)», «Юриспруденция (халқаро ҳуқуқий фаолият)», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)» ҳамда «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)» бакалавриат таълим йўналишлари.

2-боб. Амалиётни ташкил этиш

3. Амалиёт тегишли бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режасига мувофиқ олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда қабул қилувчи ташкилот билан келишиладиган дастур асосида ташкил этилади.

Амалиёт бир ўқув йилида бир марта 10 кундан кам бўлмаган ва 30 кундан кўп бўлмаган муддатларда ўтказилади. Қабул қилувчи ташкилот имкониятларидан келиб чиқиб, талаба таҳсил олаётган олий таълим муассасаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан тузилган уч томонлама шартномада амалиётнинг аниқ муддати белгиланади.

4. Талабанинг амалиётга шаффоф ва холисона танлов асосида саралаб олиниши ҳамда амалиёт дастурининг шакллантирилиши талаба таҳсил олаётган олий таълим муассасасининг ректори зиммасига юкланади.

5. Амалиётни ташкил этиш учун таълим муассасасининг амалиёт раҳбари тайинланади.

6. Амалиёт икки босқичда амалга оширилади.

7. Биринчи босқичда олий таълим муассасаси томонидан хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган иқтидорли 3-курс талабаларининг рўйхати тузилади ҳамда уларга берилган тавсияномалар билан бирга ҳар йили 1 июлдан кечикмаган ҳолда, Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этилади.

Саралаб олишда талабалардан:

CEFR тизимининг камида C1 даражасига мос келадиган чет тилини билиш тўғрисидаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши;

умумий рейтинг (ўзлаштириш) кўрсаткичлари 80 балл ва ундан юқори бўлиши, фанлардан қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги талаб этилади.

8. Иккинчи босқичда олий таълим муассасаси томонидан тақдим қилинган номзодлар Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилувчи ташкилотнинг талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

Тақсимотдан сўнг номзодлар Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакилларида тузилган комиссия томонидан 20 июлгача суҳбатдан ўтказилади. Комиссия таркиби ташқи ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Суҳбат жараёнида комиссия аъзолари томонидан талабанинг ҳужжатлари (тегишли даражада чет тилини билиш тўғрисидаги сертификат, олий таълим муассасасининг тавсияномаси) ўрганиб чиқилади, шунингдек, талабанинг ўз таълим йўналиши бўйича билимларига аниқлик киритилади.

9. Суҳбат натижалари юзасидан комиссия баённомаси расмийлаштирилади.

10. Баённомада талабаларнинг суҳбат натижасига кўра шакллантирилган рўйхати тасдиқланади ва саралаш кўрсаткичлари бўйича энг юқори ўринларни эгаллаган талабалар тўғрисидаги маълумотлар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалиёт ўталадиган давлатга бориб келишда авиачипталарга 20 фоизли чегирма бериш масаласини кўриб чиқиш учун «Uzbekistan Airways» АЖга юборилади.

11. Қабул қилувчи ташкилотда амалиётни ўташга тавсия этилган талабалар дастлаб, Ташқи ишлар вазирлигининг минтақавий ва функционал бошқармаларида қисқа муддатли (уч кундан беш кунга қадар) амалиёт ўтайдилар.

Мазкур амалиёт жараёнида вазирликнинг тегишли бошқармаси масъул ходими томонидан талабага у тақсимланган хорижий давлатнинг ташқи сиёсати ва қонунчилигига оид умумий маълумотлар берилади.

3-боб. Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёни

12. Қабул қилувчи ташкилотдаги амалиёт раҳбари талабанинг амалиёт дастури ижросини таъминлайди ва ташкилотнинг ички тартиб қоидалари, ишлаш режимининг хусусиятлари бўйича тушунтириш ишларини олиб боради.

13. Амалиётнинг самарали ташкил этилишига қабул қилувчи ташкилот раҳбари шахсан масъул ҳисобланади.

Қабул қилувчи ташкилот раҳбарига қўйидаги вазифалар юкланади:

амалиёт дастурига мувофиқ талабаларга зарур шарт-шароитларни (амалиёт ўташ учун жой ажратиш, барча хавфсизлик қоидалари талабларига жавоб берадиган турар жой ёки меҳмонхонага жойлаштирилишига кўмак бериш) яратиш;

талабаларга махсус адабиётлар ва ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини бериш;

ваколатхонанинг ички меҳнат интизомини бузган талаба ҳақида Ташқи ишлар вазирлиги орқали олий таълим муассасаси ректорига хабар қилиш;

амалиёт якуни юзасидан Ташқи ишлар вазирлигига хулоса тақдим қилиш.

4-боб. Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилишни молиялаштириш

14. Талабанинг амалиётни ўташ учун йўл харажатлари, турар жой, кундалик ва бошқа харажатлари қўйидаги тартибга биноан қопланади:

талабанинг ўз ҳисобидан ёки ҳомийлар хайриялари ҳисобидан;

амалиёт ўташга юбориладиган талабалар рўйхатида энг юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эга, шу жумладан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар фарзандларига талабаларнинг ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган харажатлари тегишли олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.

15. Амалиётни ўташ даврида талабанинг белгиланган тартибда стипендия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

16. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**524 Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида***

Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, дарахтларни, буталарни, гулларни парвариш қилиш ва кўкаламзорлаштирилган майдончаларни муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 22 та истирохат боғи, 15 та сайилгоҳ, 20 та хиёбон, 136 км пиёдалар ва 98,7 км велосипед йўлаклари барпо этилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган ишларнинг кескин ошиши натижасида тushаётган экологик юкларни пасайтириш заруриятини келтириб чиқармоқда, шаҳар аҳолисининг маданий ҳордиқ олиши учун яшил зоналарга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда.

Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари даражасини кенгайтириш, шаҳарни «яшил шаҳар»лардан бирига айлантириш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар умумий майдонининг кўкаламзорлаштирилиши даражасини 2023 йилгача 30 фоизга етказиш Тошкент шаҳри ва унинг туманлари ҳокимликларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгилансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра экилиши лозим бўлган ҳар қандай дарахт кўчатлари фақат улар экилаётган ҳудудларнинг иқлими ва ер майдонининг хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида танлаб олинади.

3. Қуйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Тошкент шаҳридан ўтадиган каналларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш бўйича манзилли дастур 1-иловага** мувофиқ;

2021-2022 йилларда Тошкент шаҳрида умумий сони 1 500 та сув қудуқларини ташкил этиш бўйича дастур 2-иловага** мувофиқ;

2021-2022 йилларда Тошкент шаҳрида пиёда ва велосипед йўлакларини қуриш бўйича дастур 3-иловага** мувофиқ;

2021-2022 йилларда Тошкент шаҳри маҳаллаларида «яшил зона»лар ва хиёбонлар ташкил этиш бўйича дастур 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг камида 60 гектар ер майдонида аттракционлардан холи бўлган жамоат истироҳат боғини (кейинги ўринларда — жамоат истироҳат боғи) ҳамда ҳар бир туманда кичик яшил истироҳат боғларини барпо этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Жамоат истироҳат боғи ва кичик яшил истироҳат боғларни барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ 5-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи гуруҳ (Артикходжаев) уч ой муддатда:

ҳалқаро мутахассислар, архитекторлар ва дизайнерларни жалб қилган ҳолда жамоат истироҳат боғини ва кичик яшил истироҳат боғларни барпо этиш концепцияси ишлаб чиқишини;

жамоат истироҳат боғи тузилмаси юзасидан аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиш учун ижтимоий сўровлар ўтказилишини;

жамоат истироҳат боғи ва кичик яшил истироҳат боғларни ташкил қилиш имкониятларига эга майдонлар ва ташкилий масалаларнинг ўрганиб чиқишини ҳамда таклиф киритилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Тошкент шаҳар истироҳат боғлари 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишига рухсат бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Тошкент шаҳрида 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритадиган истироҳат боғларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбурий талабларни белгилаш тавсия этилсин.

7. Тошкент шаҳрида жойлашган бюджет ташкилотларига ўзларининг йўл ёқасида жойлашган бинолари яшил ҳудудларини шаҳар ободонлаштириш талабларига мос равишда сақлаб туриш мажбурияти юклансин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бектемир ва Учтепа туманларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вазифаларини аутсорсинг асосида тадбиркорларга бериш юзасидан 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январгача ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, ҳуқуқий эксперимент доирасида:

маҳаллий бюджет параметрларида ушбу туманларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига мўлжалланган маблағлар йўналтирилиши инobatга олинади;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вазифаларини тадбиркорларга бериш натижасида бўшайдиган штат бирликларида меҳнат фаолиятини юритаётган ходимларни ишга олиш ушбу тадбиркорлик субъектларига тавсия этилади.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Тошкент шаҳар туманларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вазифаларини аутсорсинг асосида тадбиркорларга беришнинг вақтинчалик тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хуқуқий эксперимент ўтказилган туманлар аҳолиси иштирокида хуқуқий эксперимент натижалари юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказсин ҳамда натижаси юзасидан 2023 йил 10 январга қадар Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклиф киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида Тошкент шаҳри ҳудудида 1 миллион туп дарахт экиш бўйича «1 миллион дарахт» ташаббусига розилик берилсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда 1 миллион туп дарахтнинг таркибини шакллантирсин;

бир ой муддатда «1 миллион дарахт» ташаббусини амалга ошириш бўйича дастурни тасдиқласин ҳамда унинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тавсия этилсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида қуйидаги вазифалар юклатилган ҳолда хўжалик ҳисобидаги давлат унитар корхонаси шаклидаги «Тошкент сайилгоҳи дирекцияси» (кейинги ўринларда — Тошкент сайилгоҳи дирекцияси) ташкил этилсин:

Тошкент шаҳрида мавжуд ва янги барпо этиладиган истироҳат боғлари, мавзули хиёбонлар, сайилгоҳлар, яшил майдонлар ва хиёбонларнинг намунали сақланишини таъминлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ улардан фойдаланиш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, хизмат кўрсатиладиган ҳудудни янада кўкаламзорлаштириш ва обод қилиш бўйича зарур чоралар кўриш;

кўкаламзорлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, дарахтларни, буталарни, гулларни парвариш қилиш ва кўкаламзорлаштирилган майдончаларни таъмирлаш бўйича зарур ташкилий-агротехника ишларини амалга ошириш;

мукамал ва жорий таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шунингдек, сунъий суғориш тизимлари, насос станциялари, қудуқлар, қаттиқ қопламалар, йўллар ва йўлаклар, кўчаларни ёритиш воситалари ва фаввораларнинг санитария ва техник жиҳатдан зарур ҳолатда бўлишини таъминлаш.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

а) мавзули хиёбонлар, сайилгоҳлар, яшил майдонлар ва хиёбонлар ҳудудларида савдо-қўнғилочар ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш учун уларни тадбиркорлик субъектларига аукцион асосида ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда бино ва иншоотлар ҳамда ер участкаларини ижарага беришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми Тошкент сайилгоҳи дирекциясига қолдирилиши ва мазкур маблағлар тегишли объектлар ва майдонларни таъмир-

лаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига йўналтирилиши назарда тутилсин;

б) истироҳат боғларини тадбиркорларга ишончли бошқарувга ва ижарага бериш шартномалари бўйича шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини ўрганиб чиқсин ҳамда уларда кўкаламзорлаштириш даражасини камида йигирма беш фоизга кўпайтириш юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

14. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ихтисослаштирилган бошқармалари ҳамда Янгиҳаёт тумани ободонлаштириш бошқармасига қўшимча ажратиладиган штат бирликлари рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган қўшимча ажратиладиган штат бирликларини сақлаш харажатлари жорий йилда ободонлаштириш соҳасига ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳамда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан, 2022 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини шакллантиришда назарда тутиладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил 1 октябрга қадар Тошкент сайилгоҳи дирекцияси тузилмасининг штатлар жадвалини ва бириктирилдиган ҳудудлар манзилли рўйхати тасдиқланишини, малакали ходимлар билан таъминланишини ҳамда самарали фаолият олиб бориши учун зарур бино ва иншоотларга жойлаштирилишини таъминласин.

16. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашларига — Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ушбу қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан ҳар чорак натижалари бўйича ҳисоботини эшитиб бориш тавсия этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов — ҳар ярим йилда ушбу қарорда назарда тутилган вазифалар бажарилиши Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб борилишини ташкил этсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
553-сон

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**525 Европа инвестиция банки иштирокида «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПҚ-4691-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Европа инвестиция банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Европа инвестиция банки (кейинги ўринларда — ЕИБ) Директорлар кенгаши «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига 15 йил муддатга 5 йиллик имтиёзли даври билан 100,0 млн. АҚШ долларигача кредит линиясини тақдим этишни маъқуллагани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

100 млн. АҚШ долларигача эквивалент миқдоридаги кредит маблағлари «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга — 30,0 млн. АҚШ доллари, «Микрокредитбанк» АТБга — 35,0 млн. АҚШ доллари ва «Қишлоқ қурилиш банк» АТБга — 35,0 млн. АҚШ доллари (кейинги ўринларда — иштирок этувчи тижорат банклари) миқдорида коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун револьвер шаклида қайта молиялаштиради;

битта инвестиция лойиҳаси учун ЕИБ маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитларнинг максимал қиймати 12,5 млн. евро эквивалентига тенг бўлган миқдордан оширилмайди ҳамда ЕИБ кредит линиялари бўйича битта инвестиция лойиҳасининг максимал қиймати 25,0 млн. евро эквивалентидан ошмайди;

иштирок этувчи тижорат банкларига тақдим этилаётган ЕИБ кредит линиясининг камида 30 фоизи ЕИБ мезонларига кўра аёллар тадбиркорлигини молиялаштиришга йўналтирилиши, шу билан бирга, аёллар тадбиркорлик субъектлари ажратилган лимитдан фойдаланилмаган тақдирда, иштирок этувчи тижорат банклар ЕИБ ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишган ҳолда лойиҳанинг иккинчи йилида бошқа кредит олувчиларни молиялаштириш учун фойдаланилмаган маблағларни қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

лойиҳа маблағлари ҳисобидан кредит олувчилардан қайтариладиган маблағлар иштирок этувчи тижорат банклари томонидан револьвер асосида, қайта молиялаш тўғрисидаги битимлар бўйича ўрнатилган муддатларда қайтарилиши лозим бўлган ресурслар бундан мустасно, коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

иштирок этувчи тижорат банклари ижро этувчи органлар бўлиб, қайта молиялаштирилган ЕИБ кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун жавоб беради;

ЕИБнинг кредитини қайтариш, шунингдек, фоизлар ва бошқа харажатларни тўлаш қайта молиялаштирилган кредит миқдорида иштирок этувчи тижорат банклари томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) лойиҳани мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

4. «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида Европа инвестиция банкининг кредитини жалб қилиш графиги иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги иштирок этувчи тижорат банклари билан ЕИБнинг кредитини қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш ваколати берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан ЕИБ ўртасидаги молиявий битим бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

7. Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда:

лойиҳа бўйича ЕИБ билан молиявий битим имзоланишини;

иштирок этувчи тижорат банклари билан ҳамкорликда лойиҳа доирасида кредит бериш тартиби, тадбиркорлар лойиҳаларини танлаш ва баҳолаш мезонлари, шунингдек молиявий бошқарув, харидларни амалга ошириш, лойиҳани амалга оширишни мониторинг қилиш тартибини белгиладиган ЕИБнинг операцион қўлланмасини («Side Letter») ЕИБга тақдим этилишини;

ЕИБ билан кредитни қайтариш ва унинг фоизларини тўлаш графигини тасдиқланишини ҳамда иштирок этувчи тижорат банклари билан ЕИБ кредитини қайта кредитлаш шартномалари тузилишини таъминласин.

8. Агентлик:

бир ой муддатда иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда ЕИБ билан келишилган ҳолда ўзининг расмий веб-сайтларида лойиҳани молиялаштириш шартлари ва имтиёзларини кенг ёритилишини таъминласин;

хар чорак якуни бўйича ЕИБ кредити ҳисобидан молиялаштирилган

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиб борсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
554-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

526 Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини рақамлаштириш орқали уни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Регламент) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин:

истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган умумий қоидалари;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун уларнинг мурожаатларини Давлат хизматлари маркази, ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки истеъмолчиларни электр тармоқларига улашнинг барча босқичлари тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда жорий этиладиган «ELEKTR» дастурий таъминоти (кейинги ўринларда — Онлайн платформа) орқали шакллантириш ҳамда «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг таркибидаги худудий электр тармоқлари корхоналарига юбориш тартиби;

истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш бўйича уланадиган қувватидан келиб чиққан ҳолда техник шартларни ишлаб чиқиб тақдим этиш ва электр тармоқларига улаш бўйича қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини тайёр ҳолда топшириш шартномаси лойиҳаларини истеъмолчига тақдим этиш тартиби;

уланадиган қуввати 50 кВтгача ва 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига тайёр ҳолда улаш юзасидан тегишли ишларни бажариш тартиби.

2. Регламентга мувофиқ:

истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш босқичлари уланадиган қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмолчиларда тўрттадан биттагача ва уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчиларда тўрттадан икитагача камайтирилганлиги;

уланадиган қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоғига улаш учун шартномани «оферта» имзолаш орқали тўловни амалга ошириш механизминини жорий этиш назарда тутилганлиги;

истеъмолчиларни электр тармоқларига улашнинг барча босқичлари тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда Онлайн платформа ҳамда давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП орқали амалга оширилиши;

Онлайн платформани ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун маҳаллий дастурчилар, шу жумладан, «IT Park Uzbekistan» резидентлари ўртасида танловлар ўтказилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки:

2022 йил 1 январга қадар истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган амалдаги Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилади;

2022 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш Регламентга мувофиқ давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП ва Онлайн платформа орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган янги истеъмолчиларни тармоққа улаш учун бир марталик тўлов бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Ўзэнергоинспекция», «Худудий электр тармоқлари» АЖ Регламент талаблари асосида:

икки ой муддатда давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг намунавий шаклларини, бланкаларини электрон шаклга ўтказиш имкониятлари ўрганилиши ва ишлаб чиқилишини;

Онлайн платформа ва ягона интерактив давлат хизматлари портални ўзаро интеграция қилиш бўйича техник ҳужжат 2021 йил 1 октябрга қадар ишлаб чиқилиб тасдиқланишини;

2021 йил 1 декабргача Онлайн платформа ҳудудий электр тармоқлари корхоналари, «Ўзэнергоинспекция»нинг ҳудудий бўлимларида ўрнатилиб, ЯИДХПга интеграция қилинишини таъминласин.

5. Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини 110 кВ кучланишгача бўлган электр тармоқларига улаш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш муддатлари ва тавсиявий қийматларининг ягона калькуляцияси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Энергетика вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва давлат хизматлари кўрсатилишида иштирок этадиган бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Давлат хизматлари марказлари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг ходимлари иштирокида Регламентни амалда қўллашда унинг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2022 йил 1 январдан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
555-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 31 августдаги 555-сон қарорига
1-ИЛОВА

Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент юридик ва жисмоний шахсларни (кейинги ўринларда — истеъмолчи ёки истеъмолчилар) электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент электр тармоқларига уланаётган истеъмолчиларга уларнинг янги ва реконструкция қилинаётган электр қурилмаларини, шунингдек, уланган қуввати ошмасдан электр таъминоти схемаси ўзгарганда, электр таъминоти ишончлилиги тоифаси ва уланиш нуқталари ўзгартири-лаётганда татбиқ этилади.

3. Қуйидаги ҳолатларда истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ишларини амалга ошириш учун техник шартни (кейинги ўринларда — техник шарт), электр таъминоти лойиҳаларини, амалга оширилган қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари ҳамда электр қурилмаларини техник кўрикдан ўтказиш бўйича далолатномани (кейинги ўринларда — Далолатнома) расмийлаштириш талаб этилмайди:

уланадиган қуввати 20 кВтгача бўлган маиший истеъмолчиларнинг хонадонлари ва уй-жойларини электр тармоқларига улашда;

маиший истеъмолчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда, турар жойлар, шу жумладан, кўп квартирали уйларнинг уланган қуввати ва ташқи электр таъминоти схемаси ўзгармаган ҳолда эгаси ўзгарганда (кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси, ҳадя шартномаси ва бошқа ҳужжатлар асосида) ёки кўчмас мулк объекти бегоналаштирилганда;

юридик истеъмолчиларнинг уланган қуввати ва ташқи электр таъминоти схемаси ўзгармаган ҳолда юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) ташкилот номи ўзгарганда.

Бунда истеъмолчилар қурилиш-монтаж ва ўлчаш воситасини ўрнатиш ишлари якунлангандан сўнг электр энергиясини ўлчаш воситаси ва тизимини пломбалаш ва электр таъминоти шартномасини тузиш учун ўз хошига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда — Давлат хизматлари маркази), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки «ELEKTR» дастурий таъминоти (кейинги ўринларда — Онлайн платформа) орқали мурожаат қиладилар.

Агар қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва ўлчаш воситасини ўрнатиш ёки алмаштириш талаб этилмаса, истеъмолчиларга фақат электр

таъминоти шартномаси Давлат хизматлари маркази (истеъмомлчи ўзи келиб мурожаат этганда), ЯИДХП ёки Онлайн платформа оркали юборилади.

4. Истеъмомлчиларни электр тармоқларига улаш жараёнида қўйидагилар амалга оширилади:

уладан диган қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмомлчилар (маиший истеъмомлчилардан ташқари) электр тармоқларига уланиш бўйича мазкур Регламентга 1-иловада* белгиланган муддатларда табақалашган тарифлар асосида бир марталик тўловни амалга оширади ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ ёки худудий электр тармоқлари корхонаси (кейинги ўринларда — ХЭТК) томонидан ташқи электр таъминоти лойиҳаси ишлаб чиқилади (уладан диган қуввати 20 кВтдан юқори бўлса), қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари амалга оширилиб, электр таъминоти шартномаси расмийлаштирилгандан сўнг электр тармоқларига улаб берилади;

қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмомлчилар учун ХЭТК томонидан техник шартлар ишлаб чиқилиб, Онлайн платформага киритилади ҳамда ташқи электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини тайёр ҳолда топшириш бўйича ХЭТКнинг шартнома лойиҳаси ҳам Онлайн платформага киритилади;

электр таъминоти шартномаси тузилади.

Электр энергиясини етказиб беришда истеъмомлчилар ҳуқуқларини ҳамда электр энергиясини ўлчаш воситалари бозорида рақобатни таъминлаш мақсадида маиший истеъмомлчилар ва тадбиркорлик субъектлари ўз эҳтиёжи учун, ўз хоҳишига кўра белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭҲНАТ) уланиш имкониятига эга бўлган бошқа турдаги электр энергиясини ўлчаш воситаларини ўз маблағлари ҳисобидан харид қилишлари ва ўрнатишлари мумкин.

5. Истеъмомлчиларни электр тармоқларига улаш жараёнини амалга оширишда:

а) ХЭТК:

техник шартларни ишлаб чиқади ва уларни Онлайн платформага киритади, истеъмомлчининг хоҳишига кўра оммавий оферта шартномаси (ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган электр тармоқларига уланиш бўйича тўловларни тўлаш бўйича) имзоланганидан сўнг фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ва электр тармоғига улаш ишларини амалга оширади;

қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмомлчилар учун электр тармоқларига улаш схемасини ишлаб чиқади ҳамда қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга оширади;

уладан диган қуввати 20 кВтдан 50 кВтгача бўлган истеъмомлчилар учун ташқи электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга оширади;

уладан диган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмомлчиларни электр тармоқларига улаш бўйича техник шартларни ишлаб чиқади ҳамда Онлайн платформага киритади;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини тайёр ҳолда топшириш бўйича ўзининг шартномасини Онлайн платформага киритади;

истеъмолчилар билан тайёр ҳолда топшириш шартномасини (истеъмолчи манфаатдор бўлганда) тузади;

пудратчилар томонидан ишлаб чиқилган электр таъминоти лойиҳасини кўриб чиқади;

электр энергиясини ўлчаш воситасини пломбалашни амалга оширади; электр таъминоти шартномасини тузади;

маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидаги электр энергиясини ўлчаш воситаларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (шу жумладан, индукцион) ўлчаш воситаларини алмаштириш ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади, мазкур харажатлар маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш бўйича қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш харажатларига киритилмайди;

б) Онлайн платформа орқали тайёр ҳолда топшириш шартномасини тузиш учун истеъмолчи томонидан ўз хоҳишига кўра танланган пудратчи (электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, электр қурилмалари ва тармоқларини қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини бажариш учун тегишли лицензияга (рухсатномага) эга юридик шахс), «тайёр ҳолда топшириш» тамойили асосида электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини бажаради;

Бунда танланган пудратчи ишлаб чиқилган электр таъминоти лойиҳасини параллель равишда ҲЭТК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда — «Ўзэнергоинспекция») билан келишиш учун юборади ва Далолатномани расмийлаштириш ишларини ташкил этади;

в) «Ўзэнергоинспекция»:

уланадиган қуввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар учун электр таъминоти лойиҳасини келишади;

уланадиган қуввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар бўйича амалга оширилган қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини ҳамда электр қурилмаларини техник кўрикдан ўтказиш ва Далолатномани QR-код (матрик штрихли код) қўйган ҳолда электрон шаклда имзолайди.

6. Давлат хизматлари маркази, «Ўзэнергоинспекция», ҲЭТК ва пудратчи ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) қўлланган ҳолда фақат идоралараро электрон тарзда амалга оширилади.

7. Истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби**1-§. Истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун муурожаатларни шакллантириш ва юбориш тартиби**

8. Истеъмолчи электр тармоқларига уланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб муурожаат этади ёки ЯИДХП ёхуд Онлайн платформа орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

9. Истеъмолчилар ўзи келиб муурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими истеъмолчи номидан, ЯИДХП ёхуд Онлайн платформа орқали муурожаат қилинганда эса истеъмолчи мустақил равишда ушбу Регламентга 3-иловага* мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

Бунда истеъмолчилардан Регламентга 3-иловада кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

10. Истеъмолчи зарур маълумотларни ЯИДХП ёки Онлайн платформа орқали расмийлаштириб, Регламентга 3-иловага мувофиқ сўровномани тўлдиригандан сўнг уни ўз ЭРИ билан тасдиқлайди.

Истеъмолчи Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб муурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

11. Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали муурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисидан кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Истеъмолчилар электр тармоқларига уланиш учун Онлайн платформа орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтган ҳолда муурожаат этганда йиғим ундирилмайди.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

12. Электр тармоқларига уланиш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари учун истеъмолчилардан ундириладиган йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб муурожаат этганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг банк ҳисобварағига ўтказилади;

қолган 80 фоизи:

уланадиган қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмолчилар электр тармоқларига уланиш учун муурожаат қилганда тўлиқ ҲЭТКнинг банк ҳисобварағига;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уланадиган қуввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар электр тармоқларига уланиш учун мурожаат қилганда «Ўзэнергоинспекция» ва ХЭТКнинг банк ҳисобварағига тенг миқдорда бўлиб ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг банк ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган 78,75 фоизи:

уланадиган қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмолчилар электр тармоқларига уланиш учун мурожаат қилганда тўлиқ ХЭТКнинг банк ҳисобварағига;

уланадиган қуввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар электр тармоқларига уланиш учун мурожаат қилганда «Ўзэнергоинспекция» ва ХЭТКнинг банк ҳисобварағига тенг миқдорда бўлиб ўтказилади.

13. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш қатъиян тақиқланади.

14. Истеъмолчи давлат хизматларидан фойдаланишдан хизмат кўрсатилишининг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси истеъмолчига қайтарилмайди.

15. Истеъмолчи электр тармоқларига уланиш учун:

Давлат хизматлари марказларига ўзи бориб мурожаат этганда электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома белгиланган тартибда тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида;

ЯИДХП ёки Онлайн платформа орқали мурожаат қилганда электр тармоқларига улаш бўйича сўровнома автоматик тарзда:

техник шартларни ишлаб чиқиш ва уларни Онлайн платформага киритиш учун (истеъмолчининг уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлганда);

электр тармоқларига улаш бўйича тайёр ҳолда топшириш тамойили асосида қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини бошлаш учун (истеъмолчининг уланадиган қуввати 50 кВтгача бўлганда) ХЭТКга юборилади.

Истеъмолчи мурожаат этган кундан бошлаб уч иш кунида электр тармоқларига уланишни рад этган тақдирда, электр тармоқларига уланиш учун ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган тўлов суммаси белгиланган тартибда истеъмолчига уч иш кунида қайтариб берилади.

2-§. Истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва тайёр ҳолда топшириш шартномаси лойиҳаларини тақдим этиш тартиби

16. Уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар томонидан электр тармоқларига уланиш бўйича сўровнома ХЭТКга тушгандан сўнг уч иш кунни мобайнида ХЭТК томонидан ушбу Регламентга 4-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоғига улаш ишларини амалга ошириш учун техник шартлар ишлаб чиқилиб, QR-кодни (матрик штрихли код) қўйган ҳолда электрон шаклда Онлайн платформага киритилади.

ХЭТК томонидан техник шартлар Онлайн платформага киритилганидан сўнг уч иш кунни мобайнида истеъмолчи Давлат хизматлари марказида (ўзи келиб мурожаат этганда), ЯИДХП ёки Онлайн платформа орқали энг яхши таклиф асосида электр тармоқларига улаш бўйича қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини тайёр ҳолда топширишни таклиф этган пудратчини ўз хоҳиши билан танлайди ҳамда танланган пудратчи билан тайёр ҳолда топшириш шартномасини ЭРИ билан тасдиқлайди, агар ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаса, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) билан тасдиқланади.

Бунда ХЭТК тайёр ҳолда топшириш шартномаси лойиҳасини Онлайн платформага киритишга мажбур.

Умумий қуввати 140 кВт (160 кВА)гача бўлган истеъмолчилар ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровномани тўлдирганда сўровноманинг III бўлимидаги имтиёзли таклифни ўз хоҳиши билан танласа, электр тармоқларига улаш учун қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга оширишга сарфланадиган харажатларни бир йил давомида қайтариш шarti билан «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ҳисобидан электр тармоқларига улаш ишлари амалга оширилади ҳамда ташқи электр таъминотини қуриш бўйича ХЭТК томонидан намунавий шартнома лойиҳаси (электр тармоқларини қуришга сарфланган харажатларни ХЭТКга қайтариш тармоқ жадвалларини илова қилган ҳолда) тақдим этилади.

Бунда қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга ошириш харажатлари истеъмолчиларнинг ойлик электр энергияси истеъмолига пропорционал равишда 12 ойга тақсимланади. Тегишли тармоқ жадвалларига асосан қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари учун истеъмолчининг ХЭТК олдида қарздорлиги мавжуд бўлса, истеъмолчи томонидан истеъмол қилган электр энергияси учун ХЭТКга амалга оширилган тўловлар биринчи навбатда ушбу қарздорликни қоплаш учун йўналтирилади.

17. Истеъмолчиларни, шунингдек, субистеъмолчиларни хўжалик юри-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тувчи субъектларнинг электр тармоқларига улаш билан боғлиқ ташкилий ва техник масалалар ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан келишган ҳолда ҳал этилади.

Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатларини қоплаш хўжалик юритувчи субъект ва унинг субистеъмолчилари ўртасида келишилган ҳолда алоҳида тузиладиган шартнома асосида, умумий электр энергияси истеъмолидаги улар бўйича ҳар бирининг истеъмол улушига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Субистеъмолчиларнинг сўровига асосан хўжалик юритувчи субъект томонидан шакллантирилган эксплуатация харажатларининг ҳисоб-китоблари истисносиз субистеъмолчиларга тақдим этилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз хоҳишига кўра тасарруфидаги техник соз ҳолатда бўлган электр тармоқлари ва қурилмаларини ҳудудий электр тармоқлари корхоналари тасарруфига беғараз (текинга) ўтказиб бериш (топшириш) юзасидан мурожаат этилганда ушбу электр тармоқлари ва қурилмалари ҳудудий электр тармоқлари корхоналари тасарруфига сўзсиз қабул қилиб олинади.

18. Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини кучланиши 110 кВгача бўлган электр тармоқларига улаш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишлари қийматларини белгиловчи ягона калькуляция ХЭТК томонидан Онлайн платформага барча истеъмолчиларга маълумот тариқасида киритилади.

Бунда ХЭТК ўзининг тайёр ҳолда топшириш шартномасини ушбу ягона калькуляцияда белгиланган қиймат асосида расмийлаштириб, Онлайн платформага киритишга мажбур.

3-§. Уланадиган қуввати 50 кВгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш тартиби

19. Уланадиган қуввати 20 кВгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш талаб этилмайди. Бунда ХЭТК томонидан ишлаб чиқилган электр тармоқларига улаш схемаси электр таъминоти лойиҳаси ҳисобланади ва уни келишиш талаб этилмайди.

20. Уланадиган қуввати 20 кВдан юқори бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун электр таъминоти лойиҳаси ишлаб чиқилади.

21. Уланадиган қуввати 50 кВгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш мазкур Регламентга 1-иловада белгиланган муддатларда табақалашган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади.

22. Уланадиган қуввати 50 кВгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига тайёр ҳолда улаш юзасидан барча ишлар (ташқи электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини бажариш, электр энергиясини ўлчаш воситасини ўрнатиш ва пломбалаш нарядини расмийлаштириш ва электр таъминоти шартномасини тузиш) ХЭТК томонидан амалга оширилади.

«Ўзэнергоинспекция» томонидан қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун ХЭТК томонидан ишлаб чиқилган ташқи электр таъминоти лойиҳасини келишиш ва амалга оширилган қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишларини ҳамда электр қурилмаларни техник қўриқдан ўтказиш мазкур Регламентнинг мос равишда 28, 29 ва 36-бандларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

23. Истеъмолчилар томонидан электр тармоқларига уланиш бўйича ХЭТКга тўланадиган бир марталик тўлов суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

99 фоизи — ХЭТКнинг банк ҳисобварағига;

1 фоизи — танлов савдолари якунида қолиб бўлган, Онлайн платформа яратган ташкилот ҳисобварағига ўтказилади.

Истеъмолчилардан ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган электр тармоқларига уланиш бўйича табақалаштирилган тўловдан ташқари бошқа ҳар қандай тўловларни ундириш қатъиян ман этилади.

4-§. Уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш тартиби

24. Уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар томонидан электр тармоқларига уланиш бўйича сўровнома Регламентга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП ёки Онлайн платформа орқали берилгандан сўнг уч иш кунида ХЭТК ишлаб чиққан ва QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган техник шартлар Онлайн платформага жойлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида электрон шаклда Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этганда) ёки истеъмолчига ЯИДХП орқали (электрон шаклда мурожаат қилинганда) юборилади.

ХЭТК томонидан техник шартлар Онлайн платформага жойлаштирилгандан сўнг уч иш кунида пудратчилар ушбу техник шартларни кўриб чиқиб, бир томонлама имзоланган (QR-код қўйилган) электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишларини бажариш бўйича тайёр ҳолда топшириш шартномасини таклиф этади.

Бунда истеъмолчини электр тармоқларига улаш юзасидан электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишларини бажариш бўйича ХЭТКнинг тайёр ҳолда топшириш шартномаси Онлайн платформа орқали бир томонлама имзоланган (QR-код қўйилган) ҳолда таклиф этилиши шарт.

Уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш юзасидан пудратчилар томонидан таклифлар тушмаган тақдирда, истеъмолчининг хоҳишига кўра ХЭТКнинг тайёр ҳолда топшириш шартномаси танланса, лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишлари ХЭТК томонидан амалга оширилади.

25. Истеъмолчи Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП ёки Онлайн плат-

форма орқали пудратчилар томонидан таклиф этилган бир томонлама имзоланган (QR-код қўйилган) тайёр ҳолда топшириш шартномаси лойиҳаларини кўриб чиқади ва бирини ўз хоҳишига кўра танлаб ўзининг ЭРИ билан тасдиқлайди.

ҲЭТК томонидан ишлаб чиқилган ва Онлайн платформага жойлаштирилган техник шартларга мувофиқ истеъмолчи ўз хоҳишига кўра электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа пудратчи ташкилотлар билан тайёр ҳолда топшириш шартномасини тузиш ҳуқуқига эга.

26. «Ўзэнергоинспекция» томонидан электр таъминоти лойиҳасини келишиш, ҲЭТК томонидан кўриб чиқиш ҳамда Далолатномани QR-код қўйиб имзолаш учун Онлайн платформа орқали сўровномани тўлдириш ва юбориш пудратчи томонидан амалга оширилади.

27. Пудратчи уланадиган қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар учун электр таъминоти лойиҳасини келишиш учун мазкур Регламентга 5-иловага* мувофиқ сўровномани тўлдиради ва сўровномага электр таъминоти лойиҳасини электрон шаклда илова қилган ҳолда Онлайн платформага киритади.

Пудратчидан сўровномада кўрсатилмаган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни талаб этиш қатъиян тақиқланади.

Пудратчи томонидан мазкур Регламентга 5-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома Онлайн платформа орқали автоматик тарзда бир вақтнинг ўзида электр таъминоти лойиҳасини келишиш учун «Ўзэнергоинспекция»га ҳамда ҲЭТКга юборилади (янги объект қурилишида электр таъминоти лойиҳасини келишиш қурилаётган объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш босқичида амалга оширилади).

28. ҲЭТК мазкур Регламентга 5-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома ва унга илова қилинган электр таъминоти лойиҳаси Онлайн платформа орқали тушган кундан бошлаб икки иш кунини электр таъминоти лойиҳаси келишилганлиги ҳақидаги хулосани беради ёки рад этишнинг сабабларини ва қонунчилик нормаларини аниқ кўрсатган ҳолда келишишни рад этади.

Бунда электр таъминоти лойиҳаси ҲЭТК томонидан ишлаб чиқилганда лойиҳани келишиш талаб этилмайди.

Электр таъминоти лойиҳасини келишиш натижалари Онлайн платформа орқали автоматик тарзда реал вақт режимида пудратчига, Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этганда) юборилади.

29. «Ўзэнергоинспекция» мазкур Регламентга 5-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома ва унга илова қилинган электр таъминоти лойиҳаси Онлайн платформа орқали тушган кундан бошлаб қуйида келтирилган муддатларда ушбу Регламентга 6-иловага* мувофиқ шакл бўйича QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электр таъминоти лойиҳаси келишилганлиги ҳақидаги хулосани беради ёки рад этишнинг сабабларини ва қонунчилик нормаларини аниқ кўрсатган ҳолда келишишни:

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кучланиши 1 000 В гача (1 кВ) ва 6 — 10 кВ бўлган электр қурилмалари учун — уч иш кунда;

кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун — беш иш кунда рад этади.

Электр таъминоти лойиҳасини келишиш натижалари Онлайн платформа орқали автоматик тарзда реал вақт режимда пудратчига, Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этганда) юборилади.

30. Электр таъминоти лойиҳасининг техник шартлар ҳамда электр ускуналарини ўрнатиш қоидалари талабларидан четга чиқиши электр таъминоти лойиҳасини келишишни рад этишга асос бўлади.

Бошқа сабабларга кўра электр таъминоти лойиҳасини келишишни рад этиш қатъиян тақиқланади.

Электр таъминоти лойиҳасини келишишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар пудратчи томонидан бартараф этилган тақдирда, қайта келишиш такрорий сўровнома тушганидан сўнг бир иш кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Электр таъминоти лойиҳасини такроран кўриб чиқишда ХЭТК ва «Ўз-энергоинспекция» томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилмаганлиги билан боғлиқ рад этиш ҳолатлари бундан мустасно.

31. Агар мазкур Регламентнинг 28 ва 29-бандларида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг «Ўзэнергоинспекция» ва ХЭТК томонидан электр таъминоти лойиҳасини келишиш (ёки эътироз асосида рад этиш) бўйича хулоса тақдим этилмаса, Онлайн платформада автоматик тарзда электр таъминоти лойиҳаси «келишилди» деб қабул қилинади ҳамда ХЭТКга, Давлат хизматлари марказига (истеъмолчи ўзи келиб мурожаат этганда), пудратчига ёки истеъмолчига (ЯИДХП ёки Онлайн платформа орқали мурожаат қилганда) юборилади.

Ушбу ҳолатда электр таъминоти лойиҳаси бўйича берилган хулоса учун жавобгарлик тегишлилигига кўра «Ўзэнергоинспекция» ва ХЭТКга юкланади.

32. Электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга ошириш бўйича тайёр ҳолда топшириш шартномаларида белгиланган муддатларда пудратчи томонидан истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш ишлари амалга оширилади.

Электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга ошириш бўйича тайёр ҳолда топшириш шартномасининг намунавий нусхаси Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги билан келишилади.

Истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини амалга ошириш бўйича тайёр ҳолда топшириш шартномасининг намунавий нусхасида шартномада кўрсатилган ишлар белгиланган муддат-

ларда бажарилмаганда пудратчи томонидан истеъмолчига шартноманинг умумий суммасидан белгиланган миқдорда пеня тўлаш назарда тутилади.

33. Пудратчи 20 кВдан юқори бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш бўйича қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари тугагандан сўнг Онлайн платформада ушбу Регламентга 7-иловага* мувофиқ шаклда электр қурилмаларини эксплуатацияга тайёрлиги бўйича техник кўриқдан ўтказиш учун сўровномани тўлдиради ва уни ўзининг ЭРИ билан тасдиқлайди.

Пудратчидан ушбу Регламентга 7-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномада кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

34. «Ўзэнергоинспекция»нинг тегишли ходимлари ХЭТК мутахассислари билан биргаликда жойига чиқиб, истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларининг келишилган электр таъминоти лойиҳасига мувофиқлигини, ўрнатилган электр қурилмалари тегишли қоидаларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга риоя этган ҳолда ўрнатилганлиги ва мувофиқлигини, шунингдек, ижро ва техник қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари мавжудлиги юзасидан техник кўриқ ўтказиши.

35. Пудратчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишларини ҳамда электр қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича мазкур Регламентга 8-иловага* мувофиқ шаклга биноан QR-код (матрик штрих-ли код) қўйилган Далолатнома тузилиб, унда истеъмолчи электр қурилмаларининг фойдаланишга тайёрлиги ёки тайёр эмаслиги тўғрисидаги ёзув кайд этилади.

36. «Ўзэнергоинспекция» Онлайн платформа орқали электр қурилмаларининг эксплуатацияга тайёрлиги бўйича техник кўриқдан ўтказиш учун сўровнома тушган кундан бошлаб истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини куйидаги муддатларда:

кучланиши 1000 В гача (1 кВ) ва 6 — 10 кВ бўлган электр қурилмалари учун — уч иш кунда;

кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун — беш иш кунда техник кўриқдан ўтказиши.

37. Далолатнома бериш учун зарур ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик, тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз, нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги, «Ўзэнергоинспекция» томонидан келишилган электр таъминоти лойиҳасининг тўлиқ бажарилмаганлиги, электр энергетика соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқиш, шунингдек, истеъмолчиларнинг электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш ходими мавжуд эмаслиги электр қурилмаларининг эксплуатация қилишга тайёр эмаслиги тўғрисида хулоса берилишига асос бўлади.

* 7-8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида келтирилган сабаблардан ташқари бошқа сабабларга кўра истеъмолчиларнинг электр қурилмалари эксплуатацияга тайёр эмаслиги тўғрисида хулоса бериш тақиқланади.

«Ўзэнергоинспекция» томонидан истеъмолчиларнинг электр қурилмалари эксплуатацияга тайёр эмаслиги тўғрисидаги хулоса берилган тақдирда, ушбу хулосага асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатилган Далолатнома реал вақт режимида пудратчига ва ХЭТКга Онлайн платформа, ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали юборилади.

Далолатномадаги истеъмолчиларнинг электр қурилмалари эксплуатацияга тайёр эмаслиги тўғрисидаги хулосада кўрсатилган сабаблар (камчиликлар) пудратчи томонидан бартараф этилгандан сўнг Онлайн платформа, ЯИДХП ёки Давлат хизматлари марказлари орқали «Ўзэнергоинспекция»га электр қурилмаларини кўриқдан ўтказиш учун пудратчи томонидан қайтадан сўровнома юборилади.

«Ўзэнергоинспекция» Онлайн платформа, ЯИДХП ёки Давлат хизматлари марказлари орқали қайта сўровнома тушган кундан бошлаб икки иш кунида истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини қайта техник кўриқдан ўтказишга қайта техник кўриқдан ўтказишда илгари тузилган Далолатномада кўрсатилмаган сабаблар (камчиликлар)га кўра Далолатномани имзоланиши рад этишга йўл қўйилмайди.

Далолатномани имзолашда аввал келтирилган сабаблар бартараф этилганини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ бўлган сабабларнинг келтирилиши бундан мустасно.

38. «Ўзэнергоинспекция» мазкур Регламентнинг 36 ва 37-бандларида назарда тутилган муддатларда ушбу Регламентга 8-иловага мувофиқ шаклда Далолатномани QR-код қўйиб имзолайди ва реал вақт режимида Онлайн платформа, ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали пудратчига ҳамда ўлчаш воситасини пломбалаш ва электр таъминоти шартномасини тузиш учун ХЭТКга юбориши.

39. Электр энергиясини ўлчаш воситаларини пломбалаш ишлари ХЭТК вакили томонидан жойига чиққан ҳолда:

қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмолчилар учун бир марталик тўловлар тўлангандан сўнг ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш муддатлари доирасида;

қуввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар учун «Ўзэнергоинспекция» QR-коди (матрикс штрихли код) қўйилган Далолатнома (ижобий хулоса) Онлайн платформага тушган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади ва бу ҳақида мазкур Регламентга 9-иловага* мувофиқ шаклдаги наряд расмийлаштирилади. Бунда пломбалаш ишлари бажарилишида ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш муддатлари бузилишига йўл қўйилмайди.

40. Наряд расмийлаштирилган куни ХЭТК томонидан истеъмолчига тақдим этиладиган Далолатнома ҳамда электр таъминоти шартномаси электрон шаклда Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этганда),

* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Онлайн платформа ёки ЯИДХП орқали (электрон шаклда мурожаат қилинганда) юборилади.

41. Қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш учун Далолатномани расмийлаштиришда «Ўзэнергоинспекция»нинг иштироқи талаб этилмайди.

42. Расмийлаштирилган электр таъминоти шартномаси ва пломбалаш ўтказилганлиги тўғрисидаги наряд Давлат хизматлари марказига тушгандан сўнг реал вақт режимида бу ҳақида истеъмолчи ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилинади.

43. Истеъмолчи ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилинганидан сўнг беш иш куни мобайнида расмийлаштирилган электр таъминоти шартномасини ўзининг ЭРИ билан тасдиқлайди.

Истеъмолчи томонидан электр таъминоти шартномасини ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) билан ҳам тасдиқлаши мумкин.

Истеъмолчи томонидан тасдиқланган электр таъминоти шартномаси Давлат хизматлари маркази томонидан (ўзи келиб мурожаат этганда), истеъмолчи томонидан Онлайн платформа ёки ЯИДХП орқали (электрон шаклда мурожаат қилинганда) ХЭТКга юборилади.

44. Истеъмолчи электр таъминоти шартномасини тасдиқлашдан бош тортганда ёки белгиланган муддатда ўзининг ЭРИ (дактилоскопия ва бошқалар) билан тасдиқламаганда электр таъминоти шартномаси тузилмаган ҳисобланади.

45. Истеъмолчига электр энергияси электр таъминоти шартномаси шартлари асосида ХЭТК томонидан етказиб берилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

46. Қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмолчилар электр энергиясининг шартномавий миқдорини ўзгартириш учун қўшимча техник шартларни олиши талаб этилмайди.

47. Техник шартларни, шу жумладан, қўшимча техник шартларни ишлаб чиқиш, бериш, электр таъминоти лойиҳаларини келишиш, электр энергиясини ўлчаш воситаларини пломбалаш нарядини расмийлаштириш ва тасдиқлаш тўлов ундирилмасдан амалга оширилади, давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилиши бундан мустасно.

48. Давлат хизматлари марказлари, ХЭТК, «Ўзэнергоинспекция», пудратчи ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида истеъмолчи ҳақидаги олинган маълумотларнинг ошқора этилмаслигини таъминлаши шарт.

49. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

Бунда Онлайн платформа орқали хар ой якунида Давлат хизматлари марказлари сўровига кўра ХЭТК, «Ўзэнергоинспекция» ва пудратчилар томонидан кўрсатилаётган хизматлар мазкур Регламентда белгиланган муддатларга мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар юборилади.

50. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 31 августдаги 555-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2022 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган
айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мухандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 31 мартдаги 256-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошиси ва 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 19 декабрдаги 1030-сон қарорига илованинг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 2 июлдаги 548-сон қарорига илованинг 14-банди «а» кичик банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 567-сон қарорига илованинг 3-банди «а» кичик банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 961-сон қарорига илованинг 5-банди «а» кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 24-сон қарорига илованинг 8-банди «а» кичик банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 июндаги 348-сон қарорига 1-илованинг 12-банди «а» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**527** Ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 августдаги Ф-5689-сон фармойишининг ижросини таъминлаш ва ёшларга ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида таълим олишда кенг имкониятларни тақдим этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, АТ «Алоқабанк» ҳамда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясининг (кейинги ўринларда — ИТ-парк) ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни мақсадли ўқитишни қўллаб-қувватлаш ва уларни кейинчалик ишга жойлаштириш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, АТ «Алоқабанк» ва ИТ-паркнинг:

а) устав фонди 25 млрд сўм миқдоридаги, бунда уни 2022 йилда 80 млрд сўмгача оширишни ҳисобга олган ҳолда, АТ «Алоқабанк» ҳузурида масъулияти чекланган жамият шаклида Венчур жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш;

б) устав фонди 10 млрд сўм миқдоридаги масъулияти чекланган жамият шаклида «ИТ-билимларни ривожлантириш маркази»ни (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш, унинг:

51 фоиз миқдоридаги улушини — ИТ-паркнинг пул маблағларини киритиш орқали;

49 фоиз миқдоридаги улушини — Жамғарманинг пул маблағларини киритиш орқали шакллантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида кейинги 5 йил ичида 100 минггача ёш мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, уларни кейинчалик ишга жойлаштиришда кўмаклашиш;

илғор ИТ-компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳалари бўйича халқаро сертификатларни тақдим этишга кўмаклашиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 августда эълон қилинган.

ёш мутахассисларни ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасидаги таълим ташкилотларида тайёрлаш бўйича харажатларни қоплаш учун мақсадли қарзларни ажратиш;

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари бўлган ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасидаги таълим ташкилотларига (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) уларни тегишли малакалари бўйича ишга жойлаштириш мажбурияти билан мақсадли қарзлар ажратиш;

вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларга ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида мутахассисларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва кадрларни танлашда кўмаклашиш;

стартап-лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида инвестицион жамғармаларнинг маблағларини бошқарув компанияси функцияларини бажариш, шунингдек, венчур жамғармалар ва молиявий институтлар маблағларини жалб этиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 5 йил ичида мутахассисларнинг ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида мақсадли тайёрланишини ва уларнинг стартап-лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этиш учун Марказга 50 млрд сўм миқдорда амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг ярмидан ошмаган ҳолда қарз ажратилади ва у кейинги 5 йил ичида босқичма-босқич қайтарилади;

ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш учун Марказ томонидан таълим ташкилотлари ўртасида энг яхши таклифлар танлов асосида танлаб олинади;

вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш учун Марказ томонидан танланган таълим ташкилотлари ўртасида ҳар йили белгиланган мақсадли параметрлар доирасида буюртма шакллантирилади;

Марказ маблағлари ҳисобидан таълим ташкилотларида мақсадли ўқиш учун 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси номзод бўлади;

номзодлар Марказ томонидан таълим ташкилотлари билан биргаликда танлов асосида танланади;

танлаб олинган номзодлар (кейинги ўринларда — стипендиатлар) Марказ билан уларнинг истиқболдаги даромадларини улуш тарзида тақсимлаш тўғрисидаги шартномани (Income Share Agreement) тузади, унга кўра ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида уларнинг ўқишини тўлашга мақсадли қарз тақдим этилади;

стипендиатлар ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ўқишни тугатгандан сўнг Марказ билан тузилган шартномада назар-

да тутилган шартлар асосида мақсадли қарз ва ушбу қарз бўйича фоизларни қайтаришга мажбур;

мақсадли қарз бўйича фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ошмаслиги зарур;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига қарз Марказ томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қайтарилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни мақсадли тайёрлаш, шунингдек, уларни кейинчалик ишга жойлаштириш бўйича ташкилий схема 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Марказга ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш учун таълим ташкилотлари билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида шартнома тузишга рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) IT-парк ва «Inflex Inc» МЧЖнинг:

«PDP Academy» ўқув маркази базасида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш, кейинчалик ишга жойлаштириш учун Марказ томонидан «Inflex Inc» МЧЖга белгиланган тартибда босқичма-босқич қарз ажратиш;

«Inflex Inc» МЧЖга тажриба тариқасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги Тошкент вилоятида «5 ташаббус» дастури доирасида ташкил этилган рақамли технологиялар ўқув марказларини 2 йил муддатга бепул фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида мақсадли тайёрланишини молиялаштириш тартибини белгилаш тўғрисида таклиф киритсин.

8. АТ «Алоқабанк»га IT-парк билан биргаликда Жамғарма фаолиятини амалга ошириш ҳамда шартнома асосида ишончли бошқарувга бериш учун бошқарув компаниясини шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида танлов ўтказиш йўли билан танлаб олинишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини 2-иловадаги* мақсадли параметрларга мувофиқ ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ушбу мақсадли параметрларга мувофиқ ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва малакаси оширилишини таъминласинлар.

* 1-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда Марказ ҳамда ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим ташкилотларининг фаолияти кенг ёритилишини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда Марказга белгиланган тартибда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти мақомини берилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
556-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

528 Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ–4306-сон қарори, «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4884-сон қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ–5117-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва голибларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

фан олимпиадалари (асосий олимпиадалар, қўшимча республика олимпиадалари, онлайн олимпиадалар)ни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда олимпиада голиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тартиби;

мақоми асосий олимпиадаларнинг республика босқичига тенглаштирилган минтақавий халқаро фан олимпиадалари рўйхати;

халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларига номзодларни саралаш, Ўзбекистон терма жамоасини шакллантириш, терма жамоа аъзоларини тайёрлаш учун жалб этилган маҳаллий ва хорижий тренерлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби;

фан олимпиадаларининг назорат материалларини тайёрлаш ҳамда назорат материалларини тайёрлаш учун жалб этилган мутахассислар ва экспертлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги, инглиз, немис ёки француз тилларидан бири хорижий тил сифатида ўқитиладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ўтказиладиган «Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби;

инглиз, немис, француз тиллари бўйича бир хил мураккабликдаги назорат материалларини тайёрлаш ва танлов ўтказиладиган жойларга етказиб бериш тартиби;

таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, мактабнинг хорижий тилларни ўқитиш бўйича натижадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш тартиби;

туман (шаҳар)лар миқёсида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида ҳамда республика миқёсида хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижага эришган мактабларни аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини бериш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган талабномага асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Хо-

рижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ танловда ғолиб бўлган мактабларни бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш учун ажратиладиган маблағларнинг молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) туман (шаҳар) босқичида:

1-ўрин учун — 100 миллион сўм, 2-ўрин учун — 75 миллион сўм, 3-ўрин учун — 50 миллион сўм миқдорида мукофотлаш — туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари ҳисобидан;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида:

1-ўрин учун — 250 миллион сўм, 2-ўрин учун — 200 миллион сўм, 3-ўрин учун — 150 миллион сўм миқдорида мукофотлаш — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан;

в) республика босқичида:

1-ўрин учун — 500 миллион сўм, 2-ўрин учун — 400 миллион сўм, 3-ўрин ўрин учун — 300 миллион сўм миқдорида мукофотлаш республика бюджетидан Халқ таълими вазирлигининг марказлашган харажатларига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларига, халқаро олимпиадалар ва асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларига ғолибликни қўлга киритган фанидан дарс берганлиги учун, белгиланган устамаларни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон қарори қабул қилинган кундан бошлаб тўлиқ тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 сентябрь,
562-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари (кейинги ўринларда — мактаблар) ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларни ташкил этиш, ўтказиш, халқаро ва минтақавий олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ҳамда олимпиада ғолибларини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

асосий олимпиада — умумтаълим фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан мактаблар ўртасида республика миқёсида тизимли равишда ҳар йили ташкил этиладиган олимпиада;

қўшимча республика олимпиадалари — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан асосий олимпиадалардан ташқари, ўз ташаббуси билан ўтказиладиган олимпиадалар;

онлайн олимпиада — ўқувчиларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва асосий олимпиадаларга тайёргарлик кўриш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ҳамда фақат ахборот технологиялари (компьютер, планшет, телефон ва бошқалар) орқали амалга ошириладиган олимпиадалар;

нуфузли халқаро олимпиадалар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон қарорида белгиланган халқаро олимпиадалар;

минтақавий халқаро олимпиадалар — нуфузли халқаро олимпиадалар рўйхатига кирмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга киритилган ҳамда ғолибларининг мақоми асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларига тенглаштирилган халқаро олимпиадалар;

олимпиадалар тақвими — ўқув йили давомида ўтказилиши режалаштирилган фан олимпиадаларининг режа-жадвали;

олимпиада голиблари — асосий олимпиада, қўшимча республика олимпиадаларида 1, 2, 3-ўринларни, халқаро олимпиадаларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган ўқувчилар;

ахборот тизими — Вазирликнинг олимпиадаларни ташкил қилиш ва ўтказишга мўлжалланган веб-сайти.

3. Фан олимпиадалари ягона илмий-услубий ёндашув асосида адолатлилик, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказилади.

4. Олимпиадалар учун тест топшириқлари, ёзма ва амалий ишларни (кейинги ўринларда — назорат материаллари) тайёрлаш, иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантириш ҳамда олимпиадаларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар Вазирлик томонидан мувофиқлаштирилади.

Республика миқёсида ташаббус тартибида ташкил қилинадиган барча турдаги фан олимпиадалари Вазирлик билан келишган ҳолда ўтказилади ҳамда олимпиадалар тақвимига киритилади.

5. Олимпиадалар назорат материаллари ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини стандарт ва ностандарт масалаларда, амалий топшириқларда қўллаш олиш малакаларини ва компетенцияларини баҳолашга қаратилади.

6. Нуфузли халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадаларни ўтказиш тартиби ва шартлари уларнинг ташкилотчилари томонидан белгиланади.

7. Ўқувчилар олимпиадаларда ўз хоҳишларига кўра, ихтиёрий равишда қатнашадилар.

2-боб. Асосий олимпиадаларни ташкил этиш тартиби

8. Асосий олимпиадаларнинг тегишли босқичини ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажариш учун Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ўз буйруқлари билан ташкилий қўмиталар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ташкил этадилар.

1-§. Ташкилий қўмита

9. Олимпиадаларни ташкил этиш учун Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда — ҳудудий халқ таълими бошқармалари), туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида ҳар бир олимпиада ҳамда унинг босқичларини ўтказиш бўйича республика ва ҳудудий ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — ташкилий қўмита) тузилади.

10. Қўйидагилар ташкилий қўмитанинг вазифалари ҳисобланади:
олимпиада ўтказиладиган жойни белгилаш ва тасдиқлаш;
ҳакамлар ҳайъати таркиби, апелляция комиссияси аъзолари, аудитория раҳбарлари рўйхатини шакллантириш;

олимпиада назорат материалларининг махфийлигини, олимпиадани мазкур Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш;

олимпиаданинг ташкил этилиши, ўтказилиши ва натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

барча олимпиада иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритилишини мувофиқлаштириш;

олимпиада натижалари ва ҳакамлар ҳайъати қарори асосида ғолибларни кейинги босқичда иштирок этиши бўйича тавсияни юқори турувчи ташкилий қўмига тақдим этиш.

11. Мактабларда ташкилий қўмитанинг вазифалари Педагогик кенгаш томонидан амалга оширилади.

12. Ташкилий қўмига таркибига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг масъул ходимлари ва бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари киритилиши мумкин.

2-§. Ҳакамлар ҳайъати

13. Олимпиадаларнинг барча босқичларида ташкилий қўмига томонидан 3 кишидан 7 кишигача таркибда ҳакамлар ҳайъати тузилади.

14. Ҳакамлар ҳайъати:

олимпиада жараёнида бериладиган назорат материалларини экспертизадан ўтказди;

олимпиада иштирокчилари томонидан бажарилган ишларни Вазирлик томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида ҳолисона текширади, баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди;

натижаларни олимпиада ўтказилган куни эълон қилади;

ўтказилган олимпиада натижалари бўйича қарор қабул қилади ва уни ташкилий қўмига тақдим этади.

15. Ҳакамлар ҳайъати таркибига мактаблар, нодавлат таълим ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот институтларининг юқори малакали мутахассислари жалб қилинади. Ҳар бир фан бўйича тузилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари очиқ овоз бериш йўли билан ҳайъат раисини сайлайдилар.

16. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари олимпиада ғолибларини ҳолисона аниқлашда ва назорат материалларининг махфийлигини таъминлашда шахсан жавобгар ҳисобланади.

3-§. Аудитория раҳбари ва назоратчилар

17. Ташкилий қўмига томонидан олимпиада бошланишидан олдин куръа ташлаш йўли билан фан ўқитувчилари орасидан хоналарга аудитория раҳбари ва назоратчилари тайинланади.

Фан ўқитувчиси ўз мутахассислик йўналишида олимпиада ўтказилаётган аудиторияга раҳбар ёки назоратчи этиб тайинланишига йўл қўйилмайди.

18. Аудитория раҳбарлари:

иштирокчиларга олимпиаданинг тартиб-қоидалари тўғрисида қисқача тушунтиради;

олимпиада бошланиши ва тугаш вақтини эълон қилади ҳамда олимпиада жараёнини назорат қилади;

фан олимпиадаси жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаган ўқувчиларни олимпиададан далолатнома тузиб четлаштиради;

иштирокчиларнинг бажарган ишларини шифрлаб, текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топширади;

ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилган ишларни шифр бўйича рўйхатини тузади ва ташкилий қўмига тақдим этади.

19. Аудитория назоратчилари олимпиада ўтказилаётган ва ўзлари бириктирилган аудиторияда тартиб сақланишини таъминлайдилар ва аудитория раҳбарига қўйилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашадилар.

20. Олимпиада ўтказиладиган аудиториялар видеокузатув камералари билан жиҳозланади. Аудиторияда телефон ва турли алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Кимё ва физика фанларида калкулятордан ҳамда математика фанида циркуль ва чизғичдан фойдаланишга рухсат этилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига олимпиада жараёнига халақит қилмаган ҳолда кузатишларига рухсат берилади.

21. Олимпиада ўтказилаётган жараёнда иштирокчиларнинг ўзаро гаплашиши, алоқа воситалари ва турли хил қўшимча манбалардан фойдаланиши тақиқланади.

Бундай ҳолатлар учун иштирокчи олимпиададан четлаштирилади, бажарган ишлари текширилмайди ва баҳоланмайди.

4-§. Апелляция комиссияси

22. Апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган уч нафаргача фан мутахассисларидан иборат таркибда тузилади.

23. Апелляция комиссияси томонидан олимпиада иштирокчиларининг аризалари олимпиада натижалари эълон қилинган куннинг ўзида қабул қилинади. Апелляция жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, иштирокчи ва унинг фан ўқитувчиси иштирок этиши мумкин.

24. Апелляцияга олимпиадалар иштирокчиларининг фақатгина ўзлари томонидан бажарилган ишларини қайта кўриб чиқиш бўйича натижа эълон қилингандан сўнг шу куннинг ўзида аризалар қабул қилинади.

25. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланган иштирокчининг бажарган ишида баҳолаш мезонларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланганда апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

26. Апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъатига апелляция натижалари бўйича изоҳ бериб, олимпиада натижаларини ўзгартириши мумкин ва бунда ҳакамлар ҳайъати қарори қайта тасдиқланади.

5-§. Иқтидорли ўқувчилар захираси

27. Иқтидорли ўқувчилар захираси ахборот тизимида шакллантирилади.

28. Иқтидорли ўқувчилар захирасига қўйидаги тоифадаги ўқувчилар киритилади:

асосий олимпиаданинг учинчи босқичида фанлар кесимида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар;

минтақавий халқаро олимпиадалар ғолиблари;

нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этган ўқувчилар;

қўшимча республика олимпиадалари ғолиблари;

онлайн олимпиадалар ғолиблари.

29. Иқтидорли ўқувчилар захирасидаги ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар йиллар кесимида Вазирликнинг ахборот тизимида сақланади.

3-боб. Асосий олимпиадаларни ўтказиш тартиби

30. Асосий олимпиадалар ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган фанлардан икки гуруҳга ажратилган ҳолда ўтказилади.

Бунда, нуфузли халқаро олимпиадалар ташкил қилинадиган фанлар мос келувчи биринчи гуруҳ (математика, физика, кимё, биология, информатика ва ахборот технологиялари фанлари) ва иккинчи гуруҳ (қолган фанлар) деб белгиланади.

31. Барча фанлардан назорат турлари, шакллари, баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан тасдиқланади.

Биринчи гуруҳдаги фанлар бўйича назорат турларида фанлар бўйича синовлар халқаро олимпиадаларнинг талаблари ва топшириқлари методологиясини қўллаган ҳолда ўтказилади.

32. Асосий олимпиадалар мактабларнинг 9 — 11-синф, академик лицейлар ва касб-хунар мактабларининг ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

33. Асосий олимпиадалар тўрт босқичда қўйидаги муддатларда ўтказилади:

биринчи босқич — мактаб, академик лицей ва касб-хунар мактаблар миқёсида сентябрь ойида;

иккинчи босқич — туман (шаҳар) миқёсида октябрь ойида;

учинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ноябрь ойида;

тўртинчи босқич — республика миқёсида барча фанлардан апрель-май ойларида ўтказилади.

Тўртинчи босқичда умумтаълим мактабларининг 11-синф, касб-хунар мактаблари, академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари иштирок этадилар.

Биринчи босқич мактаб, академик лицей ва касб-хунар мактаблар томонидан ўқувчилар ўртасида ўтказилади.

Ҳар бир фан ва синф кесимида иштирокчилар орасидан баллар кетма-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кетлигида 3 нафаргача ғолиб аниқланади ва мактаб педагогик кенгашининг (ёки нодавлат таълим ташкилоти раҳбарининг) қарори билан иккинчи босқичда иштирок этиш учун тавсия этилади.

Иккинчи босқичда иштирок этиш учун тавсия этилган ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчилари ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимига жойлаштирилади.

Биринчи босқични ўтказиш билан боғлиқ масалалар, назорат материалларининг махфийлигини, жараённинг адолатли ва шаффоф ўтказилишини таъминлашга мактаб директори масъул ҳисобланади.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими биринчи босқич ташкил этилишини мувофиқлаштиради ҳамда адолатли ва шаффоф ўтказилиши бўйича назоратни амалга оширади.

34. Иккинчи босқич туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан биринчи босқичда ғолиб бўлган ўқувчилар ўртасида ўтказилади.

Академик лицей ҳамда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларнинг биринчи босқич ғолиблари иккинчи босқичда иштирок этмасдан тўғридан-тўғри учинчи босқичда иштирок этадилар.

35. Иккинчи босқичда ҳар бир фан ва синф кесимида иштирокчилар орасидан баллар кетма-кетлигида 3 нафаргача (1, 2, 3-ўринлар) ғолиб аниқланади ва ҳакамлар ҳайъати қарори асосида ташкилий қўмита томонидан учинчи босқичда иштирок этиш учун тавсия этилади.

Ташкилий қўмита тавсия этилган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади ва тасдиқлайди.

36. Иккинчи босқични ташкил этишда:

иштирокчиларини олимпиадалар бўлиб ўтадиган манзилга хавфсиз келиб-кетишларига тегишли мактаб директорлари;

назорат материалларининг махфийлигини таъминлаш, жараёнларнинг шаффоф, адолатли ва барча хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ташкил этилишига — туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари шахсан масъул ҳисобланади.

37. Худудий халқ таълими бошқармалари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан иккинчи босқич ўтказилишини назорат қилади.

38. Учинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида худудий халқ таълими бошқармалари томонидан ўтказилади.

39. Асосий олимпиадаларнинг учинчи босқичида:

иккинчи босқичда 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар;

академик лицейлар ҳамда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактаблар томонидан тавсия этилган 3 нафаргача ўқувчилар;

ўтган ўқув йилида асосий олимпиаданинг учинчи босқичида 1-ўринни эгаллаган ва ҳозирда мактаб, академик лицей ёки касб-хунар мактабларининг ўқувчилари ўтган ўқув йилида ғолибликни қўлга киритган фани бўйича иштирок этади.

40. Учинчи босқичда ҳар бир фан ва синф кесимида иштирокчилар орасидан баллар кетма-кетлигида 3 нафар (1, 2, 3-ўринлар) ғолиблар аниқланади.

41. Иштирокчиларнинг олимпиадалар бўлиб ўтадиган манзилга хавфсиз келиб-кетишларини таъминлашга туман (шаҳар) ҳокимлари ва халқ таълими бўлими мудирлари шахсан масъул ҳисобланади.

42. Тўртинчи босқич республика миқёсида Вазирлик томонидан учинчи босқичда 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган, умумтаълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари ҳамда касб-хунар мактаблари ва академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

43. Тўртинчи босқич учун тест топшириқлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, бошқа турдаги назорат материаллари ҳамда уларни баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан тайёрланади.

44. Кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида она тили ва адабиёт, математика фанларидан олимпиада икки (вилоят ва республика) босқичда ташкил қилинади ҳамда назорат материаллари Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади.

45. Тўртинчи босқичда ҳар бир фан йўналишида баллар кетма-кетлигида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар ғолиб ҳисобланади.

46. Тўртинчи босқични ташкил этишда:

а) иштирокчиларнинг республика босқичи бўлиб ўтадиган манзилга хавфсиз келиб-кетишларига:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари;

тизимда таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари;

нодавлат таълим ташкилоти раҳбарлари;

б) назорат материалларининг махфийлигини таъминлаш, жараёнларнинг шаффоф ва адолатли ўтказилишига — Вазирлик бевосита масъул ҳисобланади.

4-боб. Қўшимча республика олимпиадалари

47. Қўшимча республика олимпиадалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар ёки давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ташаббусига кўра ўтказилиши мумкин.

48. Қўшимча республика олимпиадаларини ўтказиш тартиби, ғолиблар ва уларнинг ўқитувчилари ёки таълим муассасаларини рағбатлантириш масалалари олимпиадаларни ўтказиш учун ташкил этиладиган ташкилий қўмита (ёки ташкилотчилар) томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

49. Ўқувчилар ўртасида умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган қўшимча республика олимпиадалари Вазирлик билан келишилади.

Қўшимча республика олимпиадасини ўтказиш учун ташаббускор ташкилот томонидан Вазирликка ўтказилиши режалаштириладиган олимпиада тўғрисида қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда мурожаат юборади: олимпиаданинг мақсади;

олимпиадани ўтказиш жойи ва вақти;
олимпиада ўтказилиши режалаштирилаётган фанлар рўйхати;
иштирокчилар учун қўйилган талаблар (синфи, ёши ва бошқалар);
ғолиб ва совриндорлар учун белгиланган мукофот жамғармаси ҳамда
қўшимча имтиёзлар.

Вазирлик мурожаатни келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқади ҳамда қўшимча республика олимпиадасини ўтказишга розилик бериш ёки рад қилиш бўйича асослантилган жавоб беради.

50. Қўйидаги ҳолларда олимпиадани ўтказишга рад жавоби берилиши мумкин:

олимпиадани ўтказишнинг мақсади амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган таълим соҳасидаги асосий принципларга мос келмаса;

олимпиадани ўтказиш жойи ва вақти иштирокчиларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирса.

5-боб. Онлайн олимпиада

51. Умумтаълим фанлари бўйича Вазирлик томонидан ўтказиладиган онлайн олимпиада мактабларнинг 4 — 11-синф ўқувчилари ҳамда академик лицей ва касб-хунар мактабларининг ўқувчилари ўртасида ўқувчиларнинг билимларини синовдан ўтказиш, асосий олимпиадаларга тайёргарлик кўриш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

52. Онлайн олимпиадани ўтказиш тартиби, муддатлари ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар онлайн олимпиада бошланишидан икки ҳафта олдин Вазирликнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

53. Онлайн олимпиадада рўйхатдан ўтиш, иштирок этиш ва натижаларини аниқлаш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

54. Онлайн олимпиаданинг техник таъминоти Вазирлик томонидан амалга оширилади.

55. Вазирлик томонидан ташкил қилинадиган онлайн олимпиадалар натижалари таълим муассасаси, ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантиришга асос бўлмайди.

56. Нодавлат ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган онлайн олимпиадаларини ўтказиш тартиби, ғолиблар ва уларнинг ўқитувчилари ёки таълим муассасаларини рағбатлантириш масалалари ташкилотчилар томонидан белгиланади.

6-боб. Нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи терма жамоага номзодларни саралаш тартиби

57. Нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи терма жамоага номзодларни саралаш (кейинги ўринларда — саралаш) биринчи гуруҳ фанлардан уч босқичда ўтказилади.

58. Саралашнинг барча босқичларида иштирокчиларга синфидан қатъи назар, ҳар бир фан йўналишида бир хил назорат материаллари

тақдим этилади ва натижалар ҳам синфларга ажратилмаган ҳолда эълон қилинади.

59. Саралашнинг биринчи босқичига қўйидаги тоифадаги ўқувчилар жалб қилинади:

тегишли ўқув йилида ўтказилган асосий олимпиадаларнинг учинчи (вилоят) босқичида фанлар бўйича синфлар кесимида, баллар кетма-кетлигида 1 — 5-ўринларни эгаллаган 9 — 11-синф ва академик лицей ҳамда касб-хунар мактабларининг ўқувчилари;

минтақавий халқаро олимпиадаларда ўтган ва жорий ўқув йили давомида фолибликни қўлга киритган ўқувчилар;

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан тавсия қилинган ўқувчилар (ҳар бир фандан 5 нафаргача);

ўтган ўқув йилида нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этган, ҳозирда умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар.

60. Саралашнинг биринчи босқичи Вазирлик томонидан ноябрь ойида ташкил қилинади ва иккинчи босқичга Республика миқёсида ҳар бир фан бўйича энг юқори балларни қўлга киритган дастлабки 25 нафар иштирокчилар саралаб олинади.

61. Саралашнинг иккинчи босқичи доирасида ўтказилган синовлар натижалари бўйича баллар кетма-кетлигида энг юқори натижага эришган:

биология фанидан — 12 нафар;

кимё фанидан — 12 нафар;

информатика ва ахборот технологиялари фанидан — 12 нафар;

физика фанидан — 15 нафар;

математика фанидан — 18 нафар ўқувчилар учинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

62. Вазирлик томонидан саралашнинг иккинчи босқич натижаларига кўра саралаб олинган ўқувчилар учун тажрибали ўқитувчилар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва хорижий мутахассислар, шунингдек, халқаро танлов ва олимпиадалар совриндорлари бўлган тренерлар иштирокида маҳорат дарслари, кучайтирилган ўқув машғулотлари ташкил этилади.

63. Ташкил этиладиган ўқув машғулотлари давомида ўтказиладиган учинчи босқич синов натижаларига кўра ҳар бир фан йўналишида энг юқори балларни қўлга киритган ўқувчилардан нуфузли халқаро олимпиадаларда белгиланган квоталар асосида Ўзбекистон терма жамоаси таркиби шакллантирилади.

64. Нуфузли халқаро олимпиадаларга саралашнинг барча босқичлари учун назорат материаллари ҳамда баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади ҳамда махфийлиги таъминланган ҳолда, олимпиада ўтказиладиган жойларга етказилади.

65. Нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи терма жамоа раҳбарлари ва уларнинг ёрдамчилари Вазирлик томонидан тайинланади.

66. Вазирлик ҳузурида математика, физика, информатика ва ахборот

технологиялари, кимё ва биология фанларидан маслаҳат кенгашлари ташкил қилинади.

Маслаҳат кенгашларига ўз фани бўйича юқори малакага эга бўлган тажрибали тренерлар, профессор-ўқитувчилар киритилади.

Маслаҳат кенгаши аъзолари терма жамоани нуфузли халқаро олимпиадаларга тайёрлашда, маҳорат дарсларини ташкил қилишда иштирок этади.

67. Терма жамоа раҳбари ўз фани бўйича юқори малакага эга бўлиши, халқаро олимпиада топшириқларини инглиз тилидан давлат тилига бехато таржима қила олиши ҳамда ўқувчилар ишларини халқаро ҳакамлар ҳайъатига ҳимоя қила олиши лозим.

68. Минтақавий халқаро олимпиадаларда иштирок этиш учун Ўзбекистон терма жамоаси нуфузли халқаро олимпиадаларга ўтказилган саралаш босқичлари натижалари асосида ёки Вазирлик томонидан қўшимча саралашлар ўтказиш орқали шакллантирилиши мумкин.

7-боб. Олимпиада ғолиблари ҳамда уларнинг ўқитувчиларини тақдирлаш ва рағбатлантириш

69. Асосий олимпиаданинг учинчи босқичида ғолиб бўлган ҳар бир ўқувчига қуйидаги миқдорда пул мукофотлари берилади:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига — базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари;

3-ўринни эгаллаган ўқувчига — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари.

Асосий олимпиаданинг тўртинчи босқичида ғолиб бўлган ҳар бир ўқувчига қуйидаги миқдорда пул мукофотлари берилади:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига — базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баравари;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига — базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари;

3-ўринни эгаллаган ўқувчига — базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари.

70. Асосий олимпиаданинг тўртинчи босқичида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи электрон сертификатлар Вазирлик томонидан берилади ва унинг алоҳида электрон реестри юритилади.

71. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича мазкур сертификатни олган ўқувчиларга ихтисослик фан сифатида математика фанидан давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқи берилади.

72. Вазирлик томонидан ҳар йили асосий олимпиаданинг республика босқичи ва республика босқичига тенглаштирилган минтақавий халқ-

аро олимпиадалар ҳамда нуфузли халқаро олимпиадаларнинг ғолиблари рўйхати шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тақдим этилади.

73. Нуфузли халқаро олимпиадалар ҳамда асосий олимпиаданинг тўртинчи босқичи ғолиблари, уларнинг ўқитувчилари, таълим муассасалари директорлари белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

74. Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган нуфузли халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз, асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоиз миқдорида устама ҳақи тўланади.

Бунда:

устамалар нуфузли халқаро олимпиадалар ва асосий олимпиадалар ўтказиладиган фанлар бўйича айнан ғолибликни қўлга киритган фанидан дарс бераётган олимпиада ғолибига берилади;

таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган нуфузли халқаро олимпиадалар ва асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари томонидан ғолибликни тасдиқловчи ҳужжат ёки сертификат тақдим қилинади.

75. Устама олишга даъвогар шахсда бир пайтда нуфузли халқаро ва асосий олимпиада (республика босқичи) ғолиби бўлганда унга энг юқори натижаси бўйича устама тайинланади ва тўлов амалга оширилади.

76. Олимпиада ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш харажатлари Халқ таълими вазирлигига республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган рўйхатдаги минтақавий халқаро олимпиадалар ғолиблари асосий олимпиаданинг республика босқичи ғолибларига тенглаштирилиб, мазкур олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларига асосий олимпиаданинг тўртинчи босқичи ғолиблари учун белгиланган рағбатлантириш ва имтиёзлар қўлланилади.

8-боб. Фан олимпиадаларини ташкил этишни молиялаштириш

77. Асосий олимпиадаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ҳар йилги марказлашган харажатлар сметасида режалаштирилади.

78. Нуфузли ҳамда минтақавий халқаро олимпиадаларда ўқувчилар иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан суткалик, яшаш, транспорт ва виза харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобидан ҳамда терма жамоанинг бошқа аъзоларининг иштирокини

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таъминлаш ва бадал тўловлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказлашган харажатлари ҳисобидан қопланади.

79. Олимпиадада иштирок этган ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва апелляция комиссияси аъзоларига ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказлашган харажатлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда бир марталик ҳақ тўловлари амалга оширилади:

асосий олимпиаданинг учинчи босқичида — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

асосий олимпиаданинг тўртинчи босқичи ҳамда нуфузли халқаро олимпиадаларга саралаш босқичларида — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 100 фоиз миқдорида.

80. Асосий олимпиадаларга ва нуфузли халқаро олимпиада саралаш босқичларига жалб қилинган ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва апелляция комиссияси аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ кунлик, яшаш ва транспорт харажатлари уларнинг асосий иш жойидан қопланади.

81. Назорат материалларини тайёрлаш учун мактабларнинг, академик лицей, касб-ҳунар мактабларининг, олий таълим ва нодавлат таълим ташкилотларининг олий маълумотли ўқитувчилари ва бошқа мутахассислар жалб қилинади ҳамда уларга қуйидаги миқдорларда ҳақ тўланади:

асосий олимпиада ва онлайн олимпиадалар учун тайёрланган ҳар бир тест топшириғи (унинг ечими билан) учун — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 5 фоиз миқдорида;

асосий олимпиада ва онлайн олимпиадалар учун тайёрланган ҳар бир ёзма иш топшириғи (унинг ечими билан) учун — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 20 фоиз миқдорида;

нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи терма жамоани саралаш босқичлари учун тайёрланган ҳар бир ёзма иш топшириғи (унинг ечими билан) учун — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

асосий олимпиада, онлайн олимпиадалар ва нуфузли халқаро олимпиадалар учун тайёрланган битта назорат топшириғини (ёзма иш, тест) таржима қилганлик (ўзбек, рус, инглиз тилларига) учун — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 2 фоиз миқдорида.

82. Нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини қўшимча ўқитишга жалб қилинган:

маҳаллий мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш илмий даража ва унвонига (илмий даража ва унвонларга эга бўлмаган тренерлар учун илмий даражага эга бўлмаган ўқитувчи лавозимига) мувофиқ олий таълим муассасаси талабаларига ўқув машғулотларини ўтказганлик учун белгиланган миқдорларда;

хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаши ва келиб-кетиши билан боғлиқ тўловлар улар билан амалга оширилган келишувга асосан Вазирлик томонидан амалга оширилади.

83. Халқаро олимпиадаларда ўқувчиларнинг муваффақиятли иштиро-

кини таъминлаш мақсадида, уларнинг юқори даражада тайёргарлик кўришлари учун Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан «Ёшлар оромгоҳи»да ўқув базаси ташкил этилади, барча зарур шароитлар таъминланади ва Вазирлик томонидан ўқув жараёнларига республика ва хорижлик малакали мутахассислар жалб қилинади.

84. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент таълим муассасалари агентлиги халқаро олимпиадаларга жалб қилинган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда терма жамоа аъзоларини ётоқхона ва транспорт хизмати билан таъминлайди.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

85. Нуфузли халқаро олимпиадалар ҳамда минтақавий халқаро олимпиадаларда Ўзбекистон терма жамоасининг иштирок этиши Вазирлик томонидан мувофиқлаштириб борилади.

86. Асосий олимпиадаларнинг барча босқичларида, халқаро олимпиадаларга саралашнинг биринчи ва иккинчи босқичларида иштирокчиларнинг олимпиада ўтказиладиган жойга келиб-кетиши, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни кўриш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий халқ таълими бўлинмалари зиммасига юклатилади.

87. Олимпиада ўтказиладиган жойнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мослиги, ўқувчилар соғлиги билан боғлиқ масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назоратга олинади.

88. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикасида фаолият юриётган умумий ўрта таълим мактаблари (кейинги ўринларда — мактаб)га нисбатан татбиқ этилади.

3. Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб танлови (кейинги ўринларда — танлов) Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан ҳар йили ҳолислик, ошқоралик ва адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда инглиз, немис, француз тиллари (кейинги ўринларда — хорижий тиллар) ўқитиладиган мактаблар ўртасида ўтказилади.

Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари инглиз, немис, француз тиллари бўйича бир хил мураккабликда Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ҳамда мактаблар ўқитиладиган хорижий тиллардан қатъи назар, умумий танловда иштирок этади.

4. Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини бериш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Танловнинг мақсади ва вазифалари

5. Мактаблар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларда хорижий тилларни ўқитишнинг даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини ошириш, ўқитиш сифати бўйича халқаро мезон ва стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишга замин яратиш танловнинг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар танловнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мактабларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини таҳлил қилиш;

хорижий тиллар бўйича ўқувчиларга сифатли таълим бераётган, самарали фаолият олиб бораётган ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш;

мактабларда хорижий тилларни ўргатиш бўйича кўрсатилаётган таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, уларда амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар тўғрисида кенг жамоатчиликни ҳолис ахборотлар билан таъминлаш;

танловда юқори кўрсаткичларни қайд этган мактабларни рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш.

3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

7. Вазирлик тизимидаги мактаблар (хорижий тилларга ихтисослашган мактаблар бундан мустасно) танловга жалб этилади.

8. Танловда иштирок этиш истагини билдирган мактаб ҳар йили 20 сентябрга қадар Вазирликнинг ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ахборот тизими) мактаб терма жамоасини рўйхатдан ўтказилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1-§. Танловга оид маълумотларни шакллантириш

9. Рўйхатдан ўтган мактаб ҳар йили 20 октябрга қадар ахборот тизими-мига хорижий тилларни ўқитиш бўйича Вазирлик томонидан белгиланган асосий кўрсаткичларини (кейинги ўринларда — асосий кўрсаткичлар) киритади.

Ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига мактаб директори жавобгар ҳисобланади.

10. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва 1 декабрга қадар ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

11. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг танлов жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти, шунингдек мактабларнинг ҳаққоний маълумотларни тақдим этишлари юзасидан назорат Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) томонидан амалга оширилади.

12. Ҳар бир мактабдан битта тил бўйича битта терма жамоа иштирок этиши мумкин. Терма жамоа 7 — 9-синфларда таҳсил оладиган 5 нафар ўқувчидан ташкил топади.

2-§. Танловни ташкил этиш

13. Танлов уч босқичда: туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичларида ташкил этилади.

Танловнинг барча босқичлари учун ташкилий ишларни амалга оширадиган ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати тузилади.

14. Қўйидагилар ташкилий қўмитанинг вазифалари ҳисобланади:

танлов ўтказиладиган жойни белгилаш ва тасдиқлаш;

ҳакамлар ҳайъати таркиби, апелляция комиссияси аъзолари, аудитория раҳбарлари рўйхатини шакллантириш;

танлов материалларининг махфийлигини, танловни мазкур Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш;

танлов ташкил этилиши, ўтказилиши ва натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

танлов натижалари ва ҳакамлар ҳайъати қарори асосида ғолибларни кейинги босқичда иштирок этиши бўйича тавсияни юқори турувчи ташкилий қўмитага тақдим этиш.

15. Танловни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ҳар йилги марказлашган харажатлар сметасида режалаштирилади.

16. Танловнинг биринчи босқичи (туман босқичи) ҳар йили февраль ойида тумандаги мактаблар ўртасида, Агентлик ҳамда Вазирлик томонидан

тайёрланадиган махсус синов материаллари асосида, бевосита Агентлик, Вазирлик, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Давлат тест маркази томонидан белгиланадиган масъуллар иштирокида ўтказилади.

17. Танловнинг биринчи босқичида ҳар бир иштирокчи мактаб ўқувчиларидан иборат терма жамоасининг хорижий тилларни билиш даражаси тест топшириқлари воситасида синовдан ўтказилади ҳамда ушбу Низомга 2-иловадаги* асосий кўрсаткичларни баҳолаш мезонлари асосида баллар қўйилади.

Биринчи босқичда мактаблар 100 баллик тизими бўйича баҳоланади, жумладан, тест топшириқлари учун — 50 балл, асосий кўрсаткичлар учун — 50 балл қўйилади.

18. Мактаб жамоасининг ҳар бир аъзоси синовлар жараёнида индивидуал баҳоланиб, иштирокчиларнинг натижалари умумлаштирилади ва асосий кўрсаткичларга қўйилган баллар қўшилган ҳолда мактабнинг умумий натижаси чиқарилади.

19. Умумий натижага кўра энг юқори балл тўплаган мактаблар баллар кетма-кетлигига кўра 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар сифатида белгиланади.

20. Туман босқичи натижалари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан ахборот тизимига киритилади. Синовларга тааллуқли ҳужжатлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида уч йил муддатгача сақланади.

21. Туман босқичида 1-ўринни қўлга киритган мактаб вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

22. Танловнинг иккинчи босқичи (вилоят босқичи) ҳар йили апрель ойида туман босқичида ғолиб бўлган мактаблар ўртасида, Агентлик ҳамда Вазирлик томонидан тайёрланадиган махсус синов материаллари асосида, бевосита Агентлик, Вазирлик, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Давлат тест маркази томонидан белгиланадиган масъуллар иштирокида ўтказилади.

Вилоят босқичида иштирок этадиган мактабларнинг ахборот тизимига асосий кўрсаткичлар бўйича киритган маълумотлари ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан тузилган ташкилий қўмита томонидан таҳлил қилинади ва ҳаққонийлиги тасдиқланади.

23. Танловнинг вилоят босқичида иштирокчиларнинг тинглаб тушуниш (listening), ёзиш (writing), ўқиш (reading) ва лексик-грамматик кўникмаларини баҳолаш бўйича билимлари текширилади.

Иккинчи босқичда ҳар бир иштирокчи 100 баллик тизим бўйича баҳоланади, жумладан, тинглаб тушуниш (listening) — 25 балл, ёзиш (writing) — 25 балл, ўқиш (reading) — 25 балл ва лексик-грамматик кўникмалар — 25 балл қўйилади.

24. Мактаб жамоасининг ҳар бир аъзоси синовлар жараёнида индивидуал баҳоланиб, иштирокчиларнинг натижалари умумлашган ҳолда, мактабнинг умумий натижасини ҳосил қилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

25. Иккинчи босқич натижаларига кўра умумий ҳисобда энг юқори балл тўплаган мактаблар вилоят босқичида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар сифатида белгиланади.

26. Вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритган мактаб республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

27. Танловнинг учинчи босқичи (республика босқичи) ҳар йили август ойида, вилоят босқичида голиб бўлган мактаблар ўртасида Агентлик ҳамда хорижий ҳамкор ташкилотлар томонидан тайёрланадиган махсус синов материаллари асосида, бевосита Агентлик, Вазирлик ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар томонидан белгиланадиган масъуллар иштирокида ўтказилади.

28. Танловнинг республика босқичида иштирокчиларнинг тинглаб тушуниш (listening), ёзиш (writing), гапириш (speaking) ва ўқиш (reading) кўникмалари чет тилини билишнинг халқаро сертификацияланган стандартлари асосида синовдан ўтказилади ҳамда тегишли тил она тили сифатида фойдаланиладиган мамлакатлар ҳақидаги билими текширилади.

Учинчи босқичда чет тилини билишнинг халқаро сертификацияланган стандартлари бўйича белгиланган баҳолаш тизими асосида баҳоланади.

29. Мактаб жамоасининг ҳар бир аъзоси синовлар жараёнида индивидуал баҳоланиб, иштирокчиларнинг натижалари, мактабнинг умумий натижасини ҳосил қилади.

Инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мос ҳолда турли халқаро сертификацияланган стандартлар бўйича баҳолаш тизими қўлланилганда, мактабларнинг натижаларини ҳисоблаш 100 баллга пропорционал тарзда амалга оширилади.

30. Учинчи босқич натижаларига кўра умумий ҳисобда энг юқори балл тўплаган мактаблар 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар сифатида белгиланади.

31. Ҳар бир босқичда голибликка даъвогар жамоаларнинг баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, жамоалар ўртасида қўшимча синов ташкил этилади.

32. Республика босқичида 1-ўринни қўлга киритган мактаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини соҳиби сифатида эълон қилинади.

4-боб. Назорат материалларини тайёрлаш

33. Танлов жараёнида фойдаланиладиган тест топшириқлари, ёзма ва амалий ишларни (кейинги ўринларда — назорат материаллари) босқич даражасидан келиб чиқиб, Агентлик, Вазирлик ҳамда халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

Назорат материалларини ишлаб чиқишда малакали мутахассислар, хорижий экспертлар жалб қилинади ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тегишлилиги бўйича Агентлик ёки Вазирлик томонидан тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади.

Назорат материалларини тайёрлаш учун мутахассисларга қуйидаги миқдорларда ҳақ тўланади:

танлов учун тайёрланган ҳар бир тест топшириғи (унинг ечими билан)

учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 5 фоиз миқдорда;

танлов учун тайёрланган ҳар бир ёзма иш (унинг ечими билан) ва амалий топшириқ учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 20 фоиз миқдорда.

Биринчи ва иккинчи босқич учун тайёрланган назорат материаллари бир нусхада муҳрланган ҳолда тегишли ҳудудларга Агентлик масъули бириктирилган ҳолда бир кун олдин етказиб берилади.

Ҳакамлар ҳайъатига танловнинг учинчи босқичида назорат материалларини кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш ваколати берилади.

34. Танловнинг барча босқичлари учун баҳолаш мезонлари Агентлик ва Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

5-боб. Танлов ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини бериш

35. Танлов ғолиблари қуйидаги миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини билан мукофотланади:

а) туман (шаҳар) босқичида 1-ўрин учун — 100 миллион сўм, 2-ўрин учун — 75 миллион сўм, 3-ўрин учун — 50 миллион сўм;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 1-ўрин учун — 250 миллион сўм, 2-ўрин учун — 200 миллион сўм, 3-ўрин учун — 150 миллион сўм;

в) республика босқичида 1-ўрин учун — 500 миллион сўм, 2-ўрин учун — 400 миллион сўм, 3-ўрин ўрин учун — 300 миллион сўм.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини сифатида берилган пул мукофотлари 5 кун ичида ғолиб мактабнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимлари Агентлик, Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тантанали равишда ташкил этилади.

38. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли
ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»
2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидан «олимпиадалари» сўзи чиқариб ташлансин.

2. 4-илова:

а) номидан «олимпиадалари» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 1-банддан «академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2, 8, 10-бандлардан ҳамда 7-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидан «олимпиадалар» сўзи чиқариб ташлансин;

г) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 6-банддан «олимпиадалари» сўзи чиқариб ташлансин;

е) 11-банддан «олимпиада» сўзи чиқариб ташлансин.

3. 5-илова:

а) номидан «олимпиадалари» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 1-банддан «Умумтаълим фанлари бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг расмий халқаро ва республика олимпиадалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 7-банддан «олимпиадалари» ва «олимпиада фанлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 8, 11, 12, 15-бандлардан «олимпиадалари» сўзи чиқариб ташлансин.

е) 13-банддан «олимпиадалар» сўзи чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**529 Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш, барча қулайликларга эга бўлган замонавий талабалар турар жойларини қуриш учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг республика ҳудудларида талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуйидаги шаклларда барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини тадбиркорлик субъектининг ўз маблағлари ҳисобидан эркин келишиладиган шартлар асосида молиялаштириш. Бунда:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим амал қиладиган муддат давомида давлат шериги томонидан хусусий шерикка талабалар турар жойларидан эркин фойдаланилиши учун тўлов тўланади;

давлат шериги ушбу тўловни талабалардан ҳар ой яшаш учун йиғиладиган тўловларни чегирган ҳолда Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия ҳисобидан амалга оширади;

талабалар турар жойини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар хусусий шерик ҳисобидан қопланади;

б) талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини тадбиркорлик субъекти ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш. Бунда:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тадбиркорлик субъекти билан камида 200 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш учун тузилади;

хусусий шерикка талабалар турар жойини қуриш учун лойиҳа бўйича битта ётоқ ўрни ҳисобида талаб этиладиган маблағнинг 50 фоизи, бироқ, тегишли йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қурилаётган талабалар турар жойи лойиҳаси бўйича бир ўринга тўғри келадиган ўртача қийматнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда Давлат бюджетидан субсидия ажратилади;

талабалар турар жойида яшаш учун ундириладиган тўловлар давлат шериги билан келишилган нархларда хусусий шерик томонидан йиғилади;

талабалар турар жойларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи Давлат бюджетидан, бироқ давлат олий таълим муассасаларининг тегишли қувватдаги талабалар турар жойларини сақлаш учун сарфланадиган маблағлар ҳажмидан кўп бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш орқали қоплаб борилади;

в) талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини тадбиркорлик субъектининг тўлиқ ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган шартлар асосида молиялаштириш. Бунда:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тадбиркорлик субъекти билан камида 400 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш шарти билан тузилади;

талабалар турар жойи жами қувватининг камида ярми талабалар учун давлат шериги билан келишилган нархларда ётоқ ўринлари сифатида фойдаланилади ва қолган қисмида ушбу турар жойларнинг бир ойлик тўлов миқдори хусусий шерик томонидан эркин белгиланади;

давлат шериги билан келишилган нархларда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун битимда белгиланган муддат давомида бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида Давлат бюджетидан субсидия ажратилади;

талабалар турар жойини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар хусусий шерик ҳисобидан қопланади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) ушбу қарорнинг 1-банди «в» кичик бандида назарда тутилган тартиб давлат олий таълим муассасаларига тегишли бино ва иншоотларни реконструкция ва жихозлаш ишларини тадбиркорлик субъектининг тўлиқ ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилган лойиҳаларга ҳам татбиқ этилиб, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим мавжуд бино ва иншоотларни талабалар турар жойи сифатида фойдаланиш шарти билан тузилади;

б) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддати тугаган ва тарафлар ўртасида битимни узайтириш бўйича келишувга эришилмаган тақдирда, талабалар турар жойи тегишли давлат олий таълим муассасаси ихтиёрига ўтказилади;

в) талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиш учун:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида давлат олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг сўровномасига асосан талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасасига 0,5 гектаргача бўлган ер майдонлари унга яқин жойлардан ажратилади;

хусусий шерик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аниқланади ҳамда у билан талабалар турар жойини тасарруф этиш ҳуқуқисиз давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилади;

г) давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойларини дав-

лат-хусусий шериклик асосида қуриш бўйича лойиҳаларда давлат шериги ҳисобланади;

д) хусусий шерик томонидан барпо этиладиган талабалар турар жойларида қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилади (алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган кўнгилочар масканлар фаолиятини ташкил этиш бундан мустасно).

3. Давлат олий таълим муассасасининг буюртмаси ва тадбиркорлик субъектининг ташаббуси асосида тадбиркорга тегишли ер майдони ёки бинода камида 50 ўринли талабалар турар жойларини ташкил этиш тизими жорий этилсин.

Бунда, талабалардан ҳар ой яшаш учун йиғиладиган тўлов давлат олий таълим муассасаси билан келишилади ҳамда ушбу нархда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун тадбиркорлик субъектига битимда белгиланган муддат давомида бир ўқув йили учун Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, бошқа ҳудудларда эса 5 баравари миқдорида Давлат бюджетидан субсидия ажратилади.

4. Давлат олий таълим муассасаларига «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ўқув ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштиришга рухсат берилсин.

5. Олий таълим муассасалари талабалари учун арзон ва сифатли овқатланиш жараёнини ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасаларига қарашли ошхона ва буфетларни умумий овқатланиш хизмати соҳасида камида икки йиллик тажрибага эга бўлган тадбиркорлик субъектларига энг мақбул таклифларни танлаш орқали ошхона фаолиятини юритиш учун бино ва иншоотлар ҳамда жиҳозларни ижарага беришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили тасдиқланадиган давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини қўллашга рухсат берилсин. Бунда, тадбиркорлик субъектларига:

талабалар учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш ҳамда уларни арзон нархларда сотиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш мажбуриятлари юклансин.

6. Энергетика вазирлиги талабалар турар жойлари учун ажратилган ер майдонларида ташқи муҳандислик коммуникацияларини қуриш тегишлилиги бўйича «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин.

7. Қуйидагиларга рухсат берилсин:

давлат олий таълим муассасалари тузилмасида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган тўрттагача штат бирлигидан иборат талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлим ташкил этиш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати тузилмасида давлат-хусусий шериклик асосида ва тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда молиялаштириладиган лойиҳаларни мувофиқлаштирувчи Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча учта штат бирлигидан иборат бўлим ташкил этиш.

8. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб талабалар билан ишлаш бўйича «гуруҳ мураббийи» институти бекор қилинсин ҳамда давлат олий таълим муассасалари 1 — 3-курс талабаларининг маънавий ва ижтимоий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб боровчи, мавжуд муаммоларни бартараф этишда яқиндан ёрдам кўрсатувчи тьюторларни бириктириш амалиёти йўлга қўйилсин. Бунда:

ҳар 120 — 150 нафар талабага 1 та штат бирлиги ҳисобида «Тьютор» лавозими киритилсин ҳамда унинг ойлик маоши «Ўқитувчи-стажёр» базавий лавозим маошига тенглаштирилсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази тузилмасида амалдаги штатлар доирасида учта штат бирлигидан иборат Тьюторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими ташкил этилсин.

9. Молия вазирлиги бир ой муддатда:

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда жисмоний шахсларнинг уй-жойларини талабаларга ижарага бериш фаолияти бўйича олган даромадларини солиқдан озод этиш юзасидан Солиқ кодексига ўзгартириш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда талабалар турар жойлари қурилиши учун Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Давлат солиқ қўмитаси:

икки ой муддатда ижара шартномаларини ҳисобга қўйиш электрон тизимида шартномаларни ҳисобга қўйиш ва солиқ тўловларини амалга оширишнинг соддалаштирилган рақамли имзосиз шаклини ишга тушириш чораларини кўрсин;

уч ой муддатда ижара шартномаларини ҳисобга қўйиш электрон тизимини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва тизимида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг талабалар электрон базаси билан интеграция қилсин ҳамда ўз уй-жойларини ижарага берувчи жисмоний шахсларни даромад солиғидан озод этишнинг автоматлашган тизимини яратсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда талабаларни яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш,

уларнинг турмуш шароити ва соғлиғидан хабар олиш бўйича тегишлича таълим муассасаси раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, унинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини, шунингдек, электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйишни назарда тутувчи алоҳида тартиб ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

б) 2022 йил 1 январга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Манзил» автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграциялашган олий таълим муассасалари талабаларининг ҳудуд ва олий таълим муассасаси кесимидаги электрон базасини яратсин;

Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан талабалар учун турар жой қидиришга ихтисослашган электрон платформани ишлаб чиқсин, талабалар турар жойи ва хусусий хонадонлардан ижарага турар жой қидиришнинг ишончли тизимини йўлга қўйсин ҳамда доимий равишда янгилаб борилишини таъминласин.

12. Талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида:

а) қурилиш вазири Б. Зокиров талабалар турар жойларида бир нафар талабага тўғри келадиган яшаш майдонини мақбуллаштириш бўйича шахар-созлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;

б) олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Тошқулов ҳамда тизимида давлат олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик ва идоралар раҳбарлари талабалар турар жойларида қўшимча маиший хизмат турларини жорий этиш, соғлом овқатланиш учун шароит яратиш ва бошқа хизмат турларини йўлга қўйиш ҳисобига талабалар турар жойларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш;

в) молия вазири Т. Ишметов давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим муассасасининг буюртмаси асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳаларга Давлат бюджетидан субсидия ажратиш учун зарур бўлган маблағларни 2022 йил ва келгуси йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда назарда тутиб бориш;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

талабалар турар жойларини қуриш учун мазкур қарорга 1-иловага* асосан ер майдонларини олий таълим муассасаларига улар жойлашган ҳудудга яқин жойлардан 2022 йил 1 январга қадар доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш;

давлат олий таълим муассасаларига талабалар турар жойи бинолари ва тегишли ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш учун давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларга хусусий шерикларни жалб қилишга қўмаклашиб бориш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўз худудида талабаларни турар жой билан таъминлаш, талабалар турар жойига туташ худудларда талабалар учун зарур транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларининг яратилиши ва фаолият юритиши учун масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 сентябрь,
563-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорида:

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«олий таълим муассасаларининг ошхона ва буфетларини ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади»;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) илованинг 23-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«олий таълим муассасаларининг ошхона ва буфетларини ташкил этилишида ижарага берилган мол-мулкани ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб

ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 24 июлдаги 571-сон қарори 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«2021 йил ва келгуси йилларда мазкур банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ишларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бажариш бўйича буюртмачи этиб — Университет белгилансин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 9-банд қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Вазирлик ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларнинг ойлик маошларига устамалар белгилаш, моддий рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга»;

б) 27-банддаги «Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси» сўзлари «Иқтисодиёт бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 29-банддаги «Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси» сўзлари «Бюджет ҳисоби методологияси ва бухгалтерия ҳисоботи таҳлили бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**530 Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишни ташкил этиш тартиби;

жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш тартиби;

жиноятларнинг тури ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, вакиллари муҳокамада иштирок этиши шарт бўлган давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати;

содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича ишчи орган ва унинг вазифалари.

3. Белгилансинки:

а) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси:

содир этилган жиноят ҳолати бўйича — жиноят содир этилган худуддаги маҳаллада жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч кун ичида;

жиноят содир этган шахс бўйича — унинг яшаш жойидаги маҳаллада суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми ички ишлар органларига келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида ўтказилади;

б) оғир ва ўта оғир жиноятлар сабаблари ва уларнинг содир этилиши-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

га имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар — туман (шаҳар) даражасидаги секторлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жамоатчилик вакиллари иштирокида амалга оширилади;

в) жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси жараёнида содир этилган жиноят ҳолати бўйича жиноят иши мазмуни, жиноятга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этишга, шунингдек, шахснинг жиноят содир этилишида айб依лик масаласини муҳокама қилишга ҳамда улар муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 сентябрь,
565-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 10 сентябрдаги 565-сон қарорига
ИЛОВА

**Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир
этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жиноят содир этган шахс — жиноят содир этганлиги учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан айбдор деб топилган шахс;

жиноятнинг сабаблари — жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи;

жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари — келгусида жиноят

содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, тарбиявий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар — жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлар.

3. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг асосий мақсади жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишдан иборат.

4. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар (кейинги ўринларда — масъул ташкилотлар) ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш амалиётини йўлга қўйиш;

жиноятдан жабрланувчини, ғайриижтимоий хулқ-атворли, жиноят содир этишга мойил бўлган, жиноят содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш чораларини кучайтириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, жиноятларга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;

фуқароларнинг жиноятдан жабрланиш хавфини камайитириш (виктимологик профилактика);

содир этилган жиноятлар бўйича жамоатчиликда ҳолис фикрни шакллантириш.

5. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш қонунийлик, ошкоралик, жамоатчилик иштирокини таъминлаш, одиллик, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, тизимлилик, айбсизлик презумпциясига риоя этиш, ишонтириш усулининг устуворлиги каби принциплар асосида амалга оширилади.

6. Қуйидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди:

алоҳида муҳим ёки тоифаланган объектлар (ҳарбий қисм, жазони ижро этиш муассасаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бинолари ва бошқалар) ҳудудида содир этилган жиноятлар;

ошкор этилиши давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган жиноятлар;

чет давлат фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар;

таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятлари;

жинсий эркинликка қарши жиноятлар;

фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш билан боғлиқ жиноятлар;
ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, шунингдек, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкӣ манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш жиноятлари;
жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлашни тақозо этувчи жиноят ишлари.

7. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси:

содир этилган жиноят ҳолати бўйича — жиноят содир этилган ҳудуддаги маҳаллада жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч кун ичида;

жиноят содир этган шахс бўйича — унинг яшаш жойидаги маҳаллада суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми ички ишлар органларига келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида ўтказилади.

Бевосита давлат органлари ва ташкилотларда содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган тартибда ушбу орган ва ташкилотларнинг ўзида ўтказилиши мумкин.

Мазкур банднинг учинчи хатбошида белгиланган муддатда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси ёки суднинг хусусий ажрими келиб тушган тақдирда, жиноят содир этган шахс бўйича муҳокама ушбу тақдимнома ёки хусусий ажрим доирасида амалга оширилади.

8. Сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинадиган жиноятлар тақсимои қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

оғир ва ўта оғир жиноятлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги;

унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар — туман (шаҳар) даражасидаги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — сектор) ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилинади.

9. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ташкил қилиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишни ташкил этиш

10. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича ишчи орган (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади.

11. Ишчи орган ҳар куни қуйидаги ахборотларни жамлаб боради:

суриштирув ва дастлабки тергов органларининг содир этилган жиноятлар тўғрисидаги бирламчи ахборотлари;

судлар томонидан тақдим этилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотлар.

12. Ишчи орган томонидан ахборотлар умумлаштирилган маълумотнома шаклида шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқ тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига электрон тарзда юборилади.

Маълумотномада жиноятнинг мазмуни, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар, тегишли туман (шаҳар) даражасидаги сектор ҳамда масъул давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда профилактика (катта) инспектори тўғрисидаги маълумотлар батафсил кўрсатилиб, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари (бунда сабабнинг давомий ёки воқеа даврида тўсатдан юзага келганлигига алоҳида эътибор қаратилади) ҳамда бунга имкон берган шарт-шароитлар ҳақидаги бирламчи маълумотлар асосида баён этилади.

13. Ишчи орган:

жиноят муҳокамасига масъул давлат органлари ва ташкилотлардан белгиланган тартибда зарур маълумотларни сўраб олади;

жиноят муҳокамалари бўйича юритилган ҳисоботларни мониторинг қилиб боради ва ҳаққонийлигига баҳо беради;

жиноят муҳокамалари якунида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаган мансабдор шахслар фаолиятини ўрганиб, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш ҳақида таклифлар киритади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар куни:

ишчи орган томонидан тақдим этилган маълумотнома билан танишади;

маълумотномада кўрсатилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларнинг келгусида муҳокамасини ташкил қилиш учун тегишли туман (шаҳар) даражасидаги сектор ҳамда масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига ёзма топшириқлар бериб, уларни маҳаллий ҳокимликнинг ташкилий-назорат гуруҳи (бошқармаси) томонидан дарҳол етказилишини таъминлаб боради.

15. Сектор раҳбарлари:

сектор ҳудудидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар юзасидан муҳокама қилиш бўйича масъул ҳисобланади;

жиноят муҳокамаларини шахсан ўтказади ва муҳокама йиғилишларига раислик қилади;

жиноят муҳокамаларини ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди;

жиноят муҳокамаларида масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокини таъминлайди;

жиноят бўйича асоссиз шов-шувларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўради.

16. Жиноятларнинг тури, соҳаси ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, қўйидаги давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари муҳокамада иштирок этиши шарт:

хотин-қизлар томонидан ёки уларга нисбатан, шунингдек, одоб-ахлоқ ва оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги;

ишсиз, бандлиги таъминланмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;

руҳий ҳолати бузилган, наркологик касалликларга чалинган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги;

ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаётган, маъмурий назоратда турган, илгари судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

жамоат жойларида содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги;

транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги юзасидан жиноятлар бўйича — ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари;

бевосита давлат органлари ва ташкилотлар ҳудудида содир этилган жиноятлар бўйича — давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари.

17. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамаси жараёнида:

содир этилган жиноят ҳолати бўйича — жиноят иши мазмуни, шунингдек, жиноятга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этишга, шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини муҳокама қилишга ҳамда улар муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилмайди;

жиноят содир этган шахс бўйича — суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс (озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар бундан мустасно) ҳамда унинг ота-онаси, ота-онаси ўрнини босувчи шахслар ёки бошқа яқин қариндошларининг иштироки таъминланади.

18. Жиноят муҳокамаларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашиши мумкин.

3-боб. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби

19. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасида ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика (катта) инспекторлари, тегишли бўлинмаларнинг ходимлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг иштироки таъминланиши шарт.

20. Муҳокамада содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишда масъул ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўриляётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади ҳамда келгусида шу каби ҳолатлар олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

21. Муҳокама якуни бўйича ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ йиғилиш баёни расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

22. Йиғилиш баёнида қуйидагилар кўрсатилади:

баён тузилган сана ва жой;

қатнашувчилар ва таклиф этилганлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими);

иштирок этганлар сони;

кун тартиби;

содир этилган жиноятнинг мазмуни, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс тўғрисидаги маълумотлар, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлили;

вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакилларининг муҳокама қилинаётган жиноят ва жиноят содир этган шахслар бўйича фикр ва мулоҳазалари;

муҳокама қилинган жиноят келиб чиқишининг барвақт олдини олиш чораларини кўрмаган масъул ташкилотлар раҳбарлари ёки ходимларига интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклифлар;

муҳокама қилинган жиноятнинг келгусида олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари.

23. Йиғилиш баёнида белгиланган чора-тадбирлар ижроси устидан назорат бевосита тегишли ҳудуд даражасидаги сектор раҳбарлари томонидан таъминланади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

24. Муҳокама жараёнлари фотосуратга ёки видеотасвирга олиниши мумкин. Фотосурат ёки видеотасвир йиғилиш баёни нусхалари билан бирга ишчи органга ҳамда тегишли ҳокимлик ташкилий-назорат гуруҳига электрон тарзда юборилади.

25. Муҳокама якунида суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахснинг фотосурати у томондан содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумот билан бирга маҳалла фуқаролар йиғинидаги барчага кўринадиган эълонлар тахтасига бир ойлик муддатга жойлаштирилади.

Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахс суднинг оқлов ҳукмини тақдим қилган тақдирда, унинг фотосурати ва содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумот профилактика (катта) инспектори томонидан маҳалла фуқаролар йиғинидаги эълонлар тахтасидан дарҳол олиб ташланади, шунингдек, ушбу ҳолат бўйича аввал ўтказилган муҳокама юзасидан уч кун муддатда раддия тайёрланиб, эълонлар тахтасига бир ойлик муддатга жойлаштирилади.

26. Ишчи орган:

йиғилиш баёнларида қайд этилган маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда уларнинг ягона ҳисобини юритади;

ўтказилган муҳокамаларни ҳар ой якуни бўйича таҳлил қилиб, кейинги ойнинг 5-санасига қадар тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ахборот киритади.

27. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

ўтказилган муҳокамалар тўғрисидаги ахборотлар асосида туман (шаҳар) ҳокимлари, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига нисбатан ўз ваколати доирасида чоралар кўради ёхуд таъсир чораларини қўллаш юзасидан ваколатли давлат органларига асослантирилган таклифлар киритади;

жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларини жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш борасида таъсирчан чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатади.

28. Туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган ишлар натижаларининг таҳлили асосида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари мажлисларида тегишли ҳудудда содир этилган жиноятлар, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш билан бирга кўрилаётган чора-тадбирларнинг аҳволи танқидий муҳокама қилинади.

29. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг муҳокамаси жараёни ва натижалари Интернет

жаҳон ахборот тармоғида ва медиаресурслар орқали ёритиб борилади, кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари жалб қилинади.

4-боб. Яқунловчи қоида

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БЎЙРУҒИ

531 «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153-1

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 805-сон «Баҳоловчилар ва риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 01/10-12/49-сон «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3153, 2019 йил 15 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2019 й., 10/19/3153/2939-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ «Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти» жамоат бирлашмаси ва Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 август,
01/11-14/11-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

Келишилди:

«Ўзбекистон баҳоловчилар
жамияти» ЖБ раиси

Н. МИРЗАРАХИМОВА

2021 йил 27 август

Баҳоловчи ташкилотлар
ассоциацияси раиси

А. ИСЛАМОВ

2021 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИ
ОММАЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

532 Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатларнинг рўyxатини ҳамда хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 сентябрда рўyxатдан ўтказилди, рўyxат рақами 3318

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Хорижий тилларни билиш даражасини белгилловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хорижий тилларни
ўрганишни оммалаштириш
агентлиги директори**

С. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
1-мҳ-сон

**Таълим сифатини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 август,
23-мҳ-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

533 «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотномалар бериш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 513-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартдаги ПФ-6185-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартибини белгилаш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг 1998 йил 15 октябрдаги 210/1236-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотномалар бериш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 513, 1998 йил 27 октябрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 30 август,
40ққ-сон

П. БОБОЖОНОВ

Ташқи ишлар вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 26 август,
67-сон

А. КАМИЛОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

534 Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3319

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. БУРХАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 сентябрь,
27-сон

Ўзбекистон Республикаси
коррупцияга қарши курашиш агентлиги
директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги
27-сон буйруғига
ИЛОВА

**Коррупцияга қарши ички назорат
тузилмалари фаолияти тўғрисидаги
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг (бундан буён матнда Назорат тузилмалари деб юритилади) мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низомда давлат органлари ва ташкилотлари деганда — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) тушунилади.

2. Назорат тузилмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ўзлари фаолият юритаётган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг қарорлари, буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Намунавий низомга амал қилади.

3. Назорат тузилмалари ўз ташкилотларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

2-боб. Давлат органлари ва ташкилотларининг назорат тузилмаларини ташкил этиш

4. Назорат тузилмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига (кузатув кенгашига) бўйсунди.

5. Назорат тузилмалари раҳбарлари ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

6. Назорат тузилмалари раҳбарларини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Бунда, ташкилот томонидан Агентликка ташкилот раҳбарининг Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

7. Агентлик томонидан Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан Назорат тузилмаси раҳбари таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Назорат тузилмасининг раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

8. Қуйидагилар Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

Назорат тузилмаси раҳбарининг зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

9. Тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилиб, тегишли ташкилотга Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

3-боб. Назорат тузилмаларининг асосий мақсади, вазифа ва функциялари

10. Назорат тузилмаларининг асосий мақсади ташкилотда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида (бундан буён матнда ташкилот тизими деб юритилади) коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

11. Қуйидагилар Назорат тузилмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

12. Назорат тузилмалари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбир-

ларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташкilotнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун ташкilot раҳбарига киритади;

ташкilotнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ташкilot томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини ташкilot тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назаридан баҳолайди ва ҳулосалар беради;

ташкilotда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкilot этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

б) ташкilotда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

ташкilotда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва ташкilotда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

ташкilot томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали ташкilot ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқишлигини таъминлайди;

ташкilotда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб боришлигини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва ташкilot билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

ташкilot ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни ташкilot ходимларига етказиши;

ташкilot фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказиши;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши

масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкилотда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

хар чоракда ва ташкилот раҳбари талабига кўра ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида ташкилот биринчи раҳбарига маълумот кири-тиб боради;

в) ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали иш-лашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида ташкилотга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мосли-гини таъминлайди;

ташкилот ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режалари-нинг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда ишти-рок этади;

ташкилот ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупциянинг олдини олиш бўйи-ча ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ ташкилотнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходим-ларнинг иштирок этишини назорат қилади;

ташкилот тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

ташкилотнинг расмий веб-сайтидаги «Коррупцияга қарши курашиш» бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларнинг янгиланиб борилишини таъминлайди;

ташкилот тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ташкилотнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳуж-жатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

ташкилот тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳолислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тад-бирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини тако-миллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

ташкилот тизимидаги коррупцияга қарши курашишга масъул тузил-

ма (шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ташкилот фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказиши;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан ташкилот зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориши ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.

Назорат тузилмаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

13. Назорат тузилмаларига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Назорат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи фаолият юритаётган ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;
ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;
текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Назорат тузилмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қондаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш.

Назорат тузилмалари ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Назорат тузилмалари ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки махсус семинар-тренинглarda иштирок этади. Ўқув курслари ёки махсус семинар-тренинглар ташкилот ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

17. Назорат тузилмаси фаолиятининг натижадорлиги ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Назорат тузилмалари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Назорат тузилмаси фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

18. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муно-

сабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Келишилди:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2021 йил 25 август

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

К. РАФИКОВ

2021 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

535 «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1708-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 август,
01/11-22/09-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 16 август

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

2021 йил 2 август

**Монополияга қарши
курашиш қўмитаси раиси**

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2021 йил 2 август

Ўзбекистон Республикаси
давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2021 йил 26 августдаги
01/11-22/09-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 13 июлдаги 01/16-712-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1708, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й, 35-36-сон, 366-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 22 июндаги 01/14-26/17-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом-

ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1708-1, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й, 27-сон, 361-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 25 октябрдаги 01/14-26/42-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1708-2, 2016 йил 4 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й, 44-сон, 519-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

536 «Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битимни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2831-1

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қаромидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 11-мх-сон «Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битимни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2831, 2016 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 41-сон, 475-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 сентябрь,
16-мн-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

2021 йил 20 август

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

537 Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларининг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссия (ЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 897-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон «Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

У. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 сентябрь,
316-сон

Ўзбекистон Республикаси
«Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил
6 сентябрдаги 316-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 2000 йил 11 февралдаги 4-сон буйруғи билан тасдиқланган Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссия (ЭК)си тўғрисида намунавий низом (рўйхат рақами 897, 2000 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 4-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2008 йил 9 апрелдаги 9-сон «Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 897-1, 2008 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 140-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2010 йил 16 июлдаги 43-сон «Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 897-2, 2010 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 266-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

538 **Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссия (МЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 898-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон «Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бўяраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Директор

У. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 сентябрь,
317-сон

Ўзбекистон Республикаси
«Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил
6 сентябрдаги 317-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 2000 йил 11 февралдаги 4-сон буйруғи билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссия (МЭК)си тўғрисида намунавий низом (рўйхат рақами 898, 2000 йил 21 февраль)

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 4-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2008 йил 9 апрелдаги 8-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссияси (МЭК)си тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 898-1, 2008 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 141-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2010 йил 16 июлдаги 44-сон «Вазирлик, давлат қўмитаси, идора, юридик шахслар бирлашмасининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссияси (МЭК) тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 898-2, 2010 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 265-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2021 йил 27 августдаги 01/11-14/11-сон «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 августдаги 1-мх ва 23-мх-сон «Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатларнинг рўйхатини ҳамда хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3318.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 40ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотномалар бериш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 513-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон «Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3319.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентли-

ги директорининг 2021 йил 26 августдаги 01/11-22/09-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1708-3.

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 2 сентябрдаги 16-тн-сон «Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битимни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2831-1.

7. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 316-сон «Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларининг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссия (ЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 897-3.

8. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 317-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссия (МЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 898-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 01/10-12/49-сон «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3153, 2019 йил 15 апрель).

2021 йил 6 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг 1998 йил 15 октябрдаги 210/1236-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотномалар бериш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 513, 1998 йил 27 октябрь).

2021 йил 7 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 13 июлдаги 01/16-712-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1708, 2007 йил 3 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1708-1, 2015 йил 9 июль), (рўйхат рақами 1708-2, 2016 йил 4 ноябрь).

2021 йил 8 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 11-мқ-сон «Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битимни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2831, 2016 йил 10 октябрь).

2021 йил 10 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 2000 йил 11 февралдаги 4-сон буйруғи билан тасдиқланган Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссия (ЭК)си тўғрисида намунавий низом (рўйхат рақами 897, 2000 йил 21 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 897-1, 2008 йил 23 апрель), (рўйхат рақами 897-2, 2010 йил 2 август).

2021 йил 11 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 2000 йил 11 февралдаги 4-сон буйруғи билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссия (МЭК)си тўғрисида намунавий низом (рўйхат рақами 898, 2000 йил 21 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 898-1, 2008 йил 23 апрель), (рўйхат рақами 898-2, 2010 йил 2 август).

2021 йил 11 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.